

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 20 йил

Ўзбекистон истиқлолга эришган вақтда мамлакатимизда 8 минг 333 та мактаб мавжуд бўлиб, улардан 43 фоизи мослаштирилган биноларда фаолият юритган. Бундай мактабларнинг учдан бири 40-60 йилларда ҳашар йўли билан лой ва хом гишдан қурилган бўлиб, белгиланган талабларга жавоб бермаган. Мактабларнинг 80 фоизи зудлик билан капитал таъмирлашни талаб қилган. Мавжуд мактабларнинг 52 фоизи газлаштирилмаган, 44 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган, 61 фоизиди эса канализация тармоғи бўлмаган, 52 фоизига телефон алоқаси ўрнатилмаган. Буларнинг барчаси ўқув-тарбия жараёнини тўғри ташкиллаштиришга ҳалал бериб келган.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор умуммиллий дастурларнинг таълим тизимига муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай янгича тус олди.

Истиқлол йилларида мактабларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, ўқувчиларга кенг ва тенг шароитлар яратиш, ўқув-тарбия жараёни сифатини яхшилаб бориш ишлари, ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш, компьютер

техника ва технологияларини киритиш ва Интернет тармоғидан унумли фойдаланиш учун барча қулайликларни яратиш борасида босқичма-босқич самарали ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда 9779 та умумий ўрта махсус таълим мактаблари ҳамда 1539 та коллеж ва академик лицейлар ўқувчи ёшларимиз хизматида. Умумий ўрта махсус таълим мактабларида 4682477 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда етти — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз ва туркман тилларида таълим бериш учун барча шароитлар яратилган.

Мажбурий умумтаълим жараёнида бошқа халқлар тилларининг ўқитилиши ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама

Ўзбекистонда таълим олиш ҳуқуқи дахлсиздир



ошириш билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида белгиланган "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат

ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади", деган норма талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистондаги барча мак-

таблар ўртасида оператив равишда ахборот билан алмашиш тизими ва ягона таълим тармоғини ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Мультимедиа

вожлантириш маркази ташкил этилган. Бугунги кунда халқ таълими тизимида 8603 та кутубхона ва 1074 та ахборот ресурс маркази фаолият олиб бормоқда.

Давоми 4-бетда ➤

"Bentonite" масъулияти чекланган жамияти Навоий вилоятидаги экспорт салоҳияти тобора юксалиб бораётган корхоналар сирасига кириди. Мазкур корхона 2011 йилда халқаро сифат стандартлари институтининг "SIQS" сертификатини қўлга киритди.

Экспорт салоҳияти ошмоқда

Ҳозирги кунда 92 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида юқори салоҳиятли ёшлар ўз ишини пухта эгаллаб бораётир. Бу эса корхонада фаолият самарадорлигини ошириш, кунига 60-65 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

— Асосий мақсадимиз нефть, газ қазиб олишда бурғулаш ишларини олиб борувчи корхоналар учун хорижий давлатлардан импорт қилинаётган бентонит гил қуқуни ўрнига сифати бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат, — дейди корхона бош муҳандиси А.Ҳакимжонов. — Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхонамизда бентонит уни ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозордаги харидорларга етказиб берилмоқда.

Корхонада гидроизоляция материаллари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бентонит гранулалари, паррандачилик ва чорва учун омхта ем тайёрлашда минерал қўшимча сифатида ишлатиладиган бентонит уни, бурғулаш ишларини олиб борадиган корхоналар учун фаоллаштирилган бентонит қуқуни, ёғ-мой корхоналари учун оқартувчи гил қуқуни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Н.РАҲИМОВ
(ЎзА)

Депутат ташаббускорлиги

партия мақсад-вазифалари ҳамда унинг
дастури ижросини таъминлашга
хизмат қилади

Депутатлик гуруҳларида

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлди. Мазкур қонун асосида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари учун етарли ваколатлар яратилди. Бу, албатта, зиммамизга юкланган катта масъулият ҳам. Мазкур ҳолатнинг ўзиёқ фаолиятимизда ташаббускорликни оширишни, депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП марказий ва маҳаллий органларининг ишини фаоллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда унинг ролини кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ-чил ғояларига аҳоли ишон-

чини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давоми 3-бетда ➤



Дастурий ғояларимизга ҳамоҳанг қонун лойиҳалари

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Қон тартибдаги «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов

тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ик-

кинчи ўқишда муҳокама қилинди. Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов қонун лойиҳасининг таҳрири билан таништириб ўтар экан, уни янада такомиллаштириш юзасидан билдирган таклифлари учун Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларига миннатдорчилик билдирди.

Давоми 2-бетда ➤

Кечагини кўйинг, бугуннинг гапини айтинг!

ёки «Адолат» СДП Самарқанд шаҳар кенгашининг ОАВ билан ҳамкорлиги сиёсий фаолият истиқболини белгилашнинг муҳим омили бўлаётгани хусусида

Ҳудудий кенгашларда

Яқинда фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалаларига бағишлаб Самарқанд телевидениесида ўтказилган ток-шоуга таклиф этилган сиёсий партиялар фаоллари, шу жумладан, «Адолат» СДП вакиллари ўз дастурий ғояларининг ижтимоий тараққиёт жараёнларини нечоғли муваффақиятли қамраб олаётганлигини яна бир қарра исботлаш имкониятига эга бўлди. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, махсус экспертлари иштирокида баҳолаб берилган сиёсий баҳс-мунозаралар довомида «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар кенгаши ижтимоий янгиланиш жараёнлари учун мақбул ечимларни таклиф этибгина қолмай уларни амалга оширишда ташаббускор бўлаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Давоми 2-бетда ➤

Инновациялар истиқболи

илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига бевосита боғлиқ



5-бет

"Табиий бирикмалар кимёси" кафедраси профессори Д.Долимов раҳбарлигида "Глисерин таблеткалари олиниши технологияси ва тажриба партиясини ишлаб чиқариш йўлга қўйиш" мавзусидаги инновацион лойиҳа тиббиётда бугунги кунда муаммо бўлган қон тўхтатувчи дори воситаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш, уларни тиббиётда кенг миқёсда жорий этишга ва ушбу турдаги воситалар импортининг ўрнини босишга бағишланган.



«ОБУНА — 2013»

«АДОЛАТ» газетасига 2013 йил учун
обуна бошланди!

Вақтида обуна бўлишни унутманг,
ана шунда газетани излаб овора бўлиб
юрмайсиз, «АДОЛАТ»нинг ўзи ишхонангизга
ёки уйингизга кириб келади!

«АДОЛАТ» доимий ҳамроҳингиз бўлиб қолсин!

Нашр кўрсаткичи 100.

Партия ҳаёти

Дастурий ғояларимизга ҳамоҳанг қонун лойиҳалари

Давом. Бош 1-бетда

— Ушбу қонун лойиҳасини такомилга етказиш жараёнида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишди ва партия позициясидан келиб чиқиб, 30 дан ортқ таклифлар киритишди, — деди маърузачи. — Шунингдек, қонун лойиҳаси Олий Мажлис фракциялари ва кўмиталарида депутатлар, экспертлар иштирокда атрофчи муҳокама қилиниши баробарида, мамлакатимизнинг барча минтақаларида 50 дан зиёд семинар ва давра суҳбатлари, 2 та халқаро конференция ўтказилди, уларнинг натижаларига кўра, келиб тушган 80 дан ортқ таклиф ҳамда тавсиялар умумлаштирилди ва ўрганилди. Қолаверса, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида дунёнинг ривожланган демократик мамлакатларининг илғор тажрибаси ўрганилди.

Бундан ташқари қонун лойиҳаси амалиётда биринчи мартаба Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг веб-сайтига жойлаштирилиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Бунинг натижасида беш мингдан ортқ ўқувчилар томонидан юздан ортқ таклиф ва муносабатлар билдирилди. Бу ҳам қонун лойиҳасининг ҳар томонлама такомилга етишига хизмат қилди.

— Қонун лойиҳасига кўра, қамокда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш имконияти назарда тутилмоқда (8, 32, 33, 38-моддалар). Фракция аъзоси А.Раҳмонов: — Ушбу норманинг жорий этилиши қамокда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни янада кўпроқ таъминлаш имконини беради. Бу эса инсон манфаатлари — энг олий қадрият тамойилини илгари сурадиган Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий ғояларига тўла ҳамоҳангдир ва уни тўла қўллаб-қувватлашимизга асос бўлади.

Биринчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этилган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўзгич муҳокама этилди.

— Мазкур қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, тезкор-



қидирув фаолиятининг принциплари ва шакллари ҳақида унинг амалга оширишда қонунийликни таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга ёрдам бериши билан партиямиз дастурий ғояларига тўла мос келади, — деди Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ва партия фракцияси аъзоси Қ.Жўраев. — Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг кўриниши сифатида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш механизми тўла очиб берилмаган. Шу боис демократик давлатларда умумэтироф этилган тажрибага таянган ҳолда, тезкор-қидирув харақатларидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя этилишининг аниқ ҳуқуқий кафолатларини яратиш зарурияти юзасига келмоқда ва мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Қонун лойиҳасида тезкор-қидирув фаолиятининг тушунчаси, вазифалари ва тамойиллари аниқ ифода этилиб, тезкор-қидирув фаолияти махсус ваколатли давлат органлари-

нинг тезкор бўлиналари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият сифатида белгиланади.

Мазкур фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида — ИИБ, МХХ, ДБК, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент белгиланган бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилган. Бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг бундай фаолият билан шугулланишига тақиқ қўйилган (10, 12, 13-моддалар).

Шу билан бирга ушбу фаолият инсоннинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ-эркинликлари, қонуний манфаатлари, давлат ва жамият хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш ва фош этиш, жиноятларга тайёргарлик қўриш ва содир этилишига алоқадор бўлган шахсларни топиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасида ақс этган нормалар Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловолди платформасига мос эканлигини таъкидлаган ҳолда уни концептуал жиҳатдан маъқуллади.

Иккинчи ўқишда депутатлар муҳокамасига киритилган «Йўл харақати хавфсизлиги тўғри-

сида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам депутатларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси О.Аширов қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга изоҳ берар экан у фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъминлашнинг зарурий ва мақсадли йўналишларини белгилашга қаратилганлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон Республикасида қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятидаги амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонунга янги 31-модда киритилмоқда. — деди фракция аъзоси К.Ҳамидова. — Ушбу моддага биноан, йўл харақати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида: фуқаролар ҳаёти ва саломатлигининг устуворлиги, фуқароларнинг жавобгарлигига нисбатан давлат жавобгарлигининг устуворлиги ҳамда йўл харақати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг тизимлиги қабилаб белгиланмоқда. Партиямиз позициясидан келиб чиққан ҳолда ушбу принциплар қаторига қонунийлик принципини ҳам киритишни таклиф этамиз.

Чунки йўл харақати хавфсизлигини таъминлашда, энг аввало, ҳаракат иштирокчиларининг қонунларга риоя қилишлари устувор аҳамият касб этади.

Шунингдек, фракция аъзоси А.Раҳмонов ушбу модданинг учинчи бандида йўл харақати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини бажаришда шахс манфаатлари устуворлиги белгиланган бўлиб, ундаги «шахс» сўзи жисмоний ёки юридик шахс сифатида талқин этилиши мумкинлигини таъкидлаб, уни «инсон» сўзи билан алмаштиришни таклиф этди. Фракция аъзолари зарур таклиф, тавсиялардан сўнг мазкур қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси аъзоси А.Тўхтасев биринчи ўқишда

таклиф этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилар экан, ушбу қонун лойиҳаси жамиятда ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилиши билан социал-демократия ғояларига ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ва Жиноят кодекси доирасида иқтисодий зарар ва миқдори даражасини ошириш каби квалификация белгиларини либераллаштириш йўли билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси орқали Жиноят ва Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектлари ва ҳусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга шартли яратишга қаратилган бўлиб, эркин тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришга, тадбиркорликнинг ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга таъсир этиб, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноий жазоларни либераллаштиришга хизмат қилади.

Мазкур қонун лойиҳаси жамиятда қонун устуворлигини қарор топтиришга хизмат қилиши билан Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий ғояларига мос эканлиги инобатга олиниб, фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Қонун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиққан ҳолда ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ойбек ТОҶИБОВ,
«Адолат» мухбири

Муносабат

Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз аграр тармоғида изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур Фармон фермерлик ҳаракатининг жадал ривожига янада кенг йўл очди.

Фермерлик фаолияти истиқболи



Дарҳақиқат, мамлакатимизда фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айланди. Фармонда фермерлар аҳоли турмуш-даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий қучга айланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бугунги кун талаблари ана шу қатлам учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Фармонда бу соҳага комплекс ёндашувнинг аниқ ва равшан йўллари, бу борадаги муҳим вазифалар қатъий белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш каби масалалар партиянинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Фармонда фермер хўжалиқларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳудудларида янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш, ривожлантириш ҳисобига механизация-

лаш даражаси ва рентабеллигини оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан англаш мумкинки, мазкур Фармон партиямиз мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳангдир.

Фармонда белгиланган вазифалар ижроси, аввало, фермер хўжалиқларини янада такомиллаштиришга, уларнинг ваколатларини кенгайтиришга, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу масала нафақат маҳаллий ҳокимликлар зиммасига катта масъулият юклайди, балки биз депутатлардан ҳам ушбу муҳим вазифани доимий назоратга олишни талаб этади. Шу билан бирга, партиямиз мақсад ва вазифаларини ҳам амалга оширишимизда аниқ мудоао бўлади.

Ушбу ҳужжатда мувофиқ фермерлик ҳаракатини бошқариш тизими ўзгаририлгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмаси ўрнига Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ташкил этилгани янги муваффақиятларга эришишга, Ватанимиз иқтисодий қудрати янада ошишига хизмат қилади, албатта.

Бекмурод АШУРОВ,
халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Термиз шаҳар кенгаши раиси

Кечагини қўйинг, бугуннинг гапини айтинг!

ёки «Адолат» СДП Самарқанд шаҳар кенгашининг ОАВ билан ҳамкорлиги сиёсий фаолият истиқболини белгилашнинг муҳим омили бўлаётгани хусусида

Давом. Бош 1-бетда

Битта сиёсий мунозара давомида билдирилган баҳо номани англатади ва у электро-ратнинг сиёсий партия фаолиятига нисбатан муносабатига қанчалик мос келади? Ва умуман оммавий ахборот воситалари орқали электрот билан уларни қизиқтираётган, ташвишга солаётган масалалар хусусида мулоқотга киришиш қандай натижалар бериши мумкин?

«Адолат» СДП Самарқанд шаҳар кенгашининг раиси Тўраҳон Ҳошимовнинг таъкидлашича, ОАВ билан мунтазам ҳамкорлик, унда билдирилган ҳар битта фикр бугунги шароитда сиёсий позицияни электрот манфаатлари билан янада мувофиқлаштиришга, амалий ишларни белгилаб олишга, хусусан, жамоатчилик назоратини самарали ташкил этишга, депутатлик гуруҳлари фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтиришга ёрдам беради.

— Биз матбуотда чиқиш қилаётган ҳар битта партия фаолига кечаги гапини қўйинг, бугунгисини айтинг, шунда электрот сизни яхшироқ тушуниб олади, деган талабни қўйганмиз, — дейди Т.Ҳошимов.

Дарвоқе, бу партия кенгаши раҳбарининг шунчаки эътирофи эмас. Аксинча, эътироф замиридаги амалий ишларнинг ифодаси ҳам. Шаҳар партия ташкилоти қайта тикланувчи, муқобил энергия манбалари ва инновацион технологиялардан фойдаланиш борасида дастурий ғояларни тарғиб этишда матбуот хизматидан кенг фойдаланиб келаётганлиги сир эмас.

Шаҳар партия кенгаши Самарқандда экотуризмни ривожлантириш ва унинг манзилгоҳларини обод, мусавфо сақлаш ташаббуси билан чиқмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси иккита янги экосай-ёҳлик манзили ишлаб чиқилган ва сайёҳлик ҳаритасига киритилган фикримизнинг далилидир.

Партия Кенгашининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида назоратчилик роли тобора яққолроқ кўзга ташланиб бораётгани ижбый ҳол, албатта. Ана шу мақсадга эришиш йўлида Самарқанддаги йирик саноат корхоналарида партиянинг бошланғич ташкилотлари тузилиб, улар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Жумладан, қайта реконструкция қилинган кимё заводида ташкил этилган БПТ ҳозиргача корхона маъмуриятига қўллаб-қўйиш имконияти таъминлаб берилди.

Суён Бекмурзаев раҳбарлик қилаётган мазкур бошланғич партия ташкилотининг аъзолари 50 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз ишининг мутахассиси бўлиш билан бирга ижтимоий муаммоларга нисбатан сезгир, ҳозиржавобликлар орқали жамоага яхшигина танилиб улгурган.

— Биз анча илгари қурил-

ган ва экологик вазият издан чиқарилган кимё заводида бугун буткул модернизациялаш талабининг бажарилишини қатъий назорат қилаётган, — дейди БПТ раҳбари С.Бекмурзаев. — Бунинг натижасида кадрлар кўнимсизлиги барҳам топмоқда, корхона атрофида яшил боғлар барпо этилмоқда. Ҳовуларда балиқчилик билан шугулланиш ва ёрдамчи хўжалик маҳсулотини жамоага арзон нархларда тарқатиш имконияти пайдо бўлмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларининг ишчанлик фазилатларини «СамАнтегилла» қўшма корхонасида, Самарқанд давлат университети ёки Меъморчилик-қурилиш олийгоҳида ҳам кўриш мумкин. Аҳамиятисиз шундаки, шаҳар партия кенгашининг БПТлар фаолиятга амалий тус беришга ҳаракат қилаётганлиги пировардида мазкур ташкилотнинг мустақил фикр ва ташаббуслар билан қўлишига замин ҳозирламоқда, ўзига хос рағбат пайдо қилмоқда.



— Жамоат транспортишини такомиллаштириш, иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ёки тадбиркорлик субъектларида реклама-буслар билан қўлишига замин ҳозирламоқда, ўзига хос рағбат пайдо қилмоқда, —

дейди Т.Ҳошимов. — Биргина мисол, партиядошимиз халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашининг депутати Аъзам Исоқовнинг аниқлашича, шаҳар атрофидаги юздан ортқ кичик бизнес корхоналарида бугун ўнлаб ишчилар маъмурият билан ҳеч қандай шартномасиз,

ёлланма ишчи бўлиб меҳнат қилишмоқда. Ҳолбуки, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир қонунда бу борадаги вазифалар аниқ белгилаб қўйилган. Демак, бизнинг иштирокимиздаги жамоатчилик назорати айрим иш берувчиларни ҳушёрликка қақариши ёки уларни қонун доирасида фаолият юритишга ундаши аниқ. Мазкур йўналишда учраётган шу каби муаммолар вилоят «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари, СТВ телекомпанияси билан ҳамкорликда аниқланиб, ваколатли идоралар эътиборига ҳавола этилаётди. Демак, партия ташкилотининг ОАВ билан ҳамкорлиги жамоатчилик фикрини уйғотиш баробарида сиёсий фаолият истиқболини белгилашнинг муҳим омили бўлмоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Репродуктив саломатлик — давлат муҳофазасида

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурида жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишини назорат қилиш, уларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш ғоялари илгари сурилган. Шу билан бирга, уларнинг тиббий моданиятини юксалтириш партиянинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади. Айнан шу мақсадда "Адолат" СДП Ҳамза туман кенгаши ташаббуси билан "Репродуктив саломатлик — давлат муҳофазасида" мавзусида сиёсий ўқув ўтказилди. Тадбирда хотин-қизлар кўмитаси аъзолари, туман маҳаллаларидан вакиллар, ёшлар, партия фаоллари иштирок этди.

турмуш қуришга тайёрланаётган йигит ва қизларимиз соғлом бўлишлари, жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимларга эга бўлиши, аёллар саломатлигини фақатгина ҳомиладорлик даврида сақлаб қолмай, балки қизларни ёшлик давридан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш, шу билан бирга, бола туғилгандан кейин эса унинг соғлом бўлиб ўсиши ҳақида қайғуриш, она сутининг аҳамиятини кенг тарғиб қилиш зарур.


Шунингдек, сиёсий ўқув давомида иштирокчиларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси йигилишида кўриб

ларига рухсат бериладиган айрим ҳолатларнинг аниқ рўйхати белгиланиши назарда тутилган. Шунингдек, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 473-модда билан, Жиноят кодекси эса 1251-модда билан тўлдирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурига тўла мос келиши таъкидланди.

— Халқимизнинг бирлашган ўзар деган нақлига амал қилиб, тумандаги "Маҳалла" жамоат фонди, "Ватанпарвар" ташкилоти, ҳамда туман ҳокимияти вакиллари билан биргаликда фаолият юритилмоқда, — деди туман партия кенгашининг Аёллар қаноти раиси Лола Қосимова. — Уларга партия томонидан илгари суриладиган ғоялар кўп жиҳатдан маъқул келганлиги боис биз билан ҳамкорлик ўрнатишмоқда. Маҳаллаларнинг хотин-қизлар кўмитаси вакилларини йиғиб, ўқув ўтказишимиздан мақсад эса "Адолат" СДП аъзолари ва электротиқнинг асосий қисми ҳисобланмиш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамада тиббий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан бирга партиянинг аёллар ва ёшларга бўлган эътибори юқори эканлигини тарғиб қилишдир.

Жамоатчилик ўртасида саломатлиқни тарғиб қилишда ҳамшираларнинг ўрни бекиёс. Шу боис сиёсий ўқувда малакали ҳамширалар томонидан аёлларга ўзлари ва фарзандлари саломатлигига бефарқ бўлмакликлари юзасидан саҳна кўринишдаги чиқишлар ташкил этилди. Мех



Сиёсий партиялар мавқеи

қуйи партия ташкилотларининг фаолияти билан ҳам ўлчанади

БПТ — партия таянчи

Маҳалла — жамият таянчи. Маҳалла фуқаролик жамиятининг яна бир институти — сиёсий партия билан ҳамкорликда иш олиб борса, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари илгари борилаётган бир пайтда бундай ҳамкорлик аҳоли манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Буни биргина Самарқанд шаҳар Маҳалла хайрия жамағмаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотли мисолида ҳам кўриш мумкин. Дастлаб жамағма қошида ташкил этилган БПТ аъзолари сони 20 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб унинг сафлари 71 нафар фаол ҳисобига кенгайди.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП "Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор, инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатларини амалга оширишни асосий вазифаларидан этиб белгиланган, — дейди БПТ етакчиси Муҳаббат Гофурова. — Шу боис ташкил этилаётган тадбирларимизнинг аксарияти ижтимоий ҳимояга қаратилмоқда. Партия ва маҳалла ўртасидаги ўрнатилган мустаҳкам алоқа эса бу борадаги ишларимизнинг самарали бўлишига хизмат қилмоқда. Масалан, ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аҳоли ўрганилди. Ҳомийлар

— Айни пайтда Самарқанд шаҳрида 292 тадан зиёд маҳалла фаолият юритмоқда, — дейди "Адолат" СДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Озода Мўминова. — Шаҳар партия ташкилотли мавжуд 31 та БПТнинг кўпчилиги маҳаллаларда тузилган. "Боғишамол", "Найман" ва "Зоминий" каби маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган қуйи бўғинимиз энг фаолларидан саналса-да, баъзи қуйи бўғинларимиз фаолияти билан мақтаниб бўлмайди. Улар фаолиятида айрим камчиликлар учраб турибди, яъни ташкил этилаётган тадбирларга ханузгача эскича ёндашилмоқда, амалий ишлари ҳам етарли эмас. Шу сабабли Кенгашимиз ҳузурида аҳолини яхшилаш мақсадида махсус комиссия туздиқ. Маҳаллий депутатлар ва фаоллардан ташкил топган ушбу комиссия айни пайтда қуйи партия ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларни ўрганмоқдалар. Шу билан бирга, улар учун махсус ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Дарвоқе, Самарқанд шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фондида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти жорий йил давомида партия ишида энг фаол қатнашган аъзоларини рағбатлантиришни режалаштирган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши матбуот хизмати



тадбирини "Соғлом онадан — соғлом фарзанд" мавзусидаги маърузаси билан Ҳамза туман ҳокимининг хотин-қизлар масаласи бўйича ўринбосари Оразуой Идрисова бошлаб берди.

— Республикаимизда ёшларнинг турмуш қуриши учун Оила кодексига асосан эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш белгиланган, — деди маърузачи. — Далилларга асосланган тиббий хулосалари бўйича оила қуриш учун энг қулай давр қизлар учун 20-24 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш ва уларнинг ёшлари орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани маъқул. Аввало, йигит ва қизларимиз турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозимлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахслар

ни" тиббий кўрикдан ўтказиш Низоми тўғрисида»-ги қарори жамиятимизда ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим меъёрий-ҳужжат сифатида хизмат қилмоқда. Ирсий касалликларни келтириб чиқарувчи асосий омиллар яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлардир. Бундай оилаларда кўпинча ақлий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар туғилиши мумкин. Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмоли қиладиган, тамаки чекувчи ва гиёҳвандликка ружу қўйган оилаларда туғма нуқсонли ва ақли заиф фарзандлар дунёга келиши мумкин.

"Репродуктив саломатлик — давлат муҳофазасида" мавзусида маъруза қилган партиянинг Ҳамза туман кенгаши раиси Дилором Султонмуродованинг таъкидлашича, оилавий

чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси моҳияти ҳақида маълумот берилди. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридаги устувор вазифалар ижросига қаратилган мазкур қонун лойиҳаси ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлаш, болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, эрта никоҳлар салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Жумладан, Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи қисми янги тахрирда баён қилинмоқда. Унга қўра, никоҳ ёшига етмаганларнинг никоҳдан ўтиш

Саодат СОДИҚОВА, "Адолат" мухбири

Депутат ташаббускорчилиги

партия мақсад-вазифалари ҳамда унинг дастури ижросини таъминлашга хизмат қилади

Давом. Бош 1-бетда

Бунда, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уларни мамлакатимизда содир бўлаётган ислохотлар жараёнидан хабардор қилиш ҳамда улар масъулиятини ошириш борасидаги ишлар ўз ижобий самарасини берапти.

Бугунги кунда Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари ҳам тегишли ваколат ва имтиёزلардан самарали фойдаланишга интиломоқдалар. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 9 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги 33 нафар халқ ноиблари фуқаролар қабулхоналари орқали аҳолининг муҳожаатларини қабул қилиб, уларга ижобий ечим топишга ёрдамлашаётганлари ҳам рост.

Вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари билан депутатлик гуруҳлари ҳамкорликда ташкил этаётган тадбирлар фақат маърузабозлик билан чекланиб қолмаяпти.

Президентимиз фармон ва қарорлари, янги қабул қилинган қонуналар мазмун-моҳияти, социал демократия ғоялари тарғиботи, қонун устуворлигига эришиш, муқобил энергияни ривожлантириш каби тадбирлар амалий, интерактив усуллар ёрдамида олиб борилмоқда. Бунда профессорлар, таниқли сиёсатчилар, Қонунчилик палатаси депутатлари кучидан самарали фойдаланилаётир. Иштирокчиларнинг мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан атрафлича жавоб олишларига, эркин фикр-мулоҳаза билдиришларига кенг имкониятлар яратилмоқда.

Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам самарали йўлга қўйилган. Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шер Қўчқоровга Янгиариқ туманида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларда фуқаролар, пластик карточкалар савдосидаги баъзи муаммолар хусусида муҳожаат этишди. Депутат мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови

юборди. Масала атрофлича ўрганилгач, муаммо ҳал этилди.

Қувонарлиси шундаки, партиянинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига партия позицияси ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда таклифлар киритилишига эришилмоқда. Хусусан, жорий йилда туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссиялари муҳокамасига ўндан ортик масала киритилди. Депутатларимиз томонидан вилоятнинг айрим ҳудудларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларида муаммолар борлигини инобатга олиб, ижтимоий-маданий ривожланиш доимий комиссиясига ушбу масалани тегишли тарзда чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва комиссия йиғилишида муҳокама қилиш таклифи берилди. Мазкур таклиф асосида депутат ва мутахассислардан иборат махсус гуруҳ тузилиб, қатор туманларда бу борада



олиб борилаётган ишлар чуқур танқидий таҳлил қилинди ва тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

22-«Эшон қалъа» сайлов округидан сайланган халқ депутатлари Шовот тумани Кенгаши депутати Бекбўлсін Аллаберганов туман Марказий шифохонасида аҳолига си-

фатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида, марказий шифохонага янги тиббий ускуна ва жиҳозлар олиб келиш ва ўрнатиш масаласини халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йилнинг асосий яқунла-

ри ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқилган ҳолда табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш масаласига жиддий эътибор қаратиш, муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш, жойларда соҳани рағбатлантириш, ушбу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни бартараф қилиш каби долзарб масалалар ҳам депутатлик гуруҳлари диққат марказида турибди.

Хусусан, "Адолат" СДПнинг дастурий вазифаси сифатида қаралаётган муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг жорий қилиш мақсадида 23-«Кўҳна қалъа» округидан сайланган Урганч шаҳар Кенгаши депутати Равшанбек Бобожонов навбатдаги маҳаллий Кенгаш сессияси кун тартибига электр энергиясидан фойдаланиш тежамкорлигини таъминлаш, бунда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш рағбатлантириш маса-

ласи киритилишини режалаштирмоқда.

Депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган бу каби ишлар партия мақсад ва вазифалари ҳамда унинг дастури ижросини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир. Аммо бу мисоллар билан ҳудуддаги маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти камчиликлардан холи, деб айта олмаимиз. Баъзи депутатларда масъулият, журъят ва қатъий етишмаётган бўлса, айримлари яратилган имконият ва ваколатлардан самарали фойдалана олмаётти. Бунда жойлардаги партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасида доимий алоқа ўрнатилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Ана шундай муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳам бугунги кунда олдимиздаги долзарб масала бўлиб турибди, албатта.

Рустам БОЛТАЕВ, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч шаҳар кенгаши раиси

Нигоҳ

Қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди

Моҳият

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 30-31 август кунлари бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроектсодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджет параметрлари тўғрисида"ги қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Олий Мажлисининг ҳар иккала палаталари томонидан қабул қилинган мазкур Қонун 2012 йилнинг 11 сентябрида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан қўлга кирди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси ва Меҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги ҳамда "Жиноят иши юриштиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Қонунларига аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада мутасил ошириб бериш, фуқароларга иқтисодий маддани кучайтириш мақсадида меҳнат ҳақи миқдори Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгиланишини назарда тутиб ўзгартишлар киритилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бирор корхона, муассаса ва таъшилотда бир ойлик тўлиқ ишланган вақт меъёри ва бажарилган меҳнат вазифалари учун ҳодимнинг меҳнат ҳақи миқдори ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряд тариф ставкасидан кам бўлмаслигидан далolat беради.

Қонунчиликка киритилган ушбу янгилик меҳнатга ҳақ

"аҳоли номидан оладиган" деган сўзлардан кейин "шунингдек, идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинadиган" деган сўзлар билан тўлдирилди. Бу эса, ўз навбатида, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот доираси кенгайтирилганлигидан далolat беради.

Учинчидан, мазкур Кодекснинг "Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш оборотларига солиқ солиш" деб номланган 217-моддаси пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига реализация қилиш айланмаси 20 фоизлик ставка бўйича қўшилган қиймат солиғига тортилиши муносабати билан чиқариб ташланди;

Тўртинчидан, ушбу Кодекснинг 324-моддаси 2-бандига фуқароларга имтиёзлар беришни назарда тутиб нормалар ҳам киритилиб, унга кўра, ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқарилган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек, яқин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва моторавачалар олувчи фуқаролар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йўл тўлашдан озод қилин-дилар.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, мазкур қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор иқтисодиётини либераллаштиришни янада қучуқлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қонун орқали Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик бозор иқтисодиётини либераллаштиришни янада қучуқлаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РУЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалиёт қонун ҳужжатлари мониторингинг институти етакчи илмий ҳодими

Мурожаатлар ўрганилишига топилаётган журъат

нега маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига масалалар олиб чиқишга топилмаётти

Мулоҳаза

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари ўз фаолиятларида ҳудудларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокамасига алоҳида эътибор қаратдилар. Бундай масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек, давлат ҳамда ҳудудий дастурларнинг ба-жарилишини таҳлил қилиш, улар ижроси қўй даражада олиб борилаётганлиги нуктаи назардан муҳокама этилиб келинди. Шу ўринда партиянинг халқ депутатлари Хоразм ҳамда Андижон вилояти партия Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган самарали иш-ларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Мазкур вилоят партия Кенгашларида депутатларнинг сессиялар муҳокамасига муайян масалаларни киритишга жалб этиш, қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари ва минтақавий дастурлар ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, депутатлик сўрови натижаларини мониторинг қилиш ҳамда электратни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар, доимий комиссиялар ва депутатлар фаолиятидан хабардор қилиш борасидаги фаоллигини ошириш борасида доимий тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда. Шу билан бирга, партия голяларини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ аҳоли ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. "Адолат" СДПнинг дастурий голяларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига аниқ тақлифлар беришда суқашликка йўл қўйган депутатлик гуруҳлари ҳам учраб турибди.

Масалан, Наманган вилояти

иш режаларини муфассал ва танқидий ишлаб чиқишга етарлича эътибор берилмаётти.


Ваҳоланки, Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти Кенгаш партия депутатлари фаолигини оширишга қаратилган қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, вилоят партия Кенгаши Ижроия Қўмитасининг Жорий йилдаги йиғилишида партия электратни манфатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари иш фаолиятини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари фаоллигини оширишга қаратилган қатор семинарлар ташкил этилган.

Вилоятдаги партия депутатлик гуруҳи фаолиятининг мониторинг натижалари шунини кўрсатадики, жорий йил давомида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаш сессияларига электрат манфаати ва хоҳиш-истакларига жаваб берадиган биронга ҳам ташаббус киритилмаган. Шунингдек, улар фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини доимий ҳамада тартибли тарзда назорат ва таҳлил қилиш, шунингдек, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш борасидаги фаолиятларида сезиларли сифат ўзгаришлари кўзга ташланмаётти. Ушбу масалаларни пухта ишлаб чиқилган режалар асосида ўрганиш, тайёрлаш ва муҳокама этиш ишларига жойлардаги партия таъшилотларининг имкониятлари жалб этилмаётти. Партия марказий органларининг фаолиятини кучайтиришга қаратилган қарорларини амалга ошириш, таъсирчан семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказишга,

Тўғри, депутатлик ишининг самараси, қўп жиҳатдан, депутатларнинг ўз ваколат доирасида муаммоларни ҳал қила олиш салоҳияти ва қобилиятига ҳам бевосита боғлиқ. Айниқса, фуқаролар мурожаатларини қонуний асосда ўрганиш, уларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун эса етарлича билим ва малака талаб этилади.

Шу нуктаи назардан вилоят партия Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан алоқаларни мустақамлаш мақсадида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бу ўз навбатида, депутатларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Фарҳод ЭСОНОВ



Ўзбекистонда таълим олиш ҳуқуқи дахлсиздир

Давомий. Боши 1-бетда

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш кўрсаткичи йил сайин ўсиб бораётганлиги кузатишмоқда. Сўнгги беш йил ичида 117 миллион 190 минг 054 нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилган. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминлини даражаси 55,4 фоизга тенг бўлган бўлса, айни пайтда таълим олиб борилаётган барча тиллари ҳисобидан мазкур кўрсаткич 100 фоизга тенглашган. Биринчи синфга қадам қўётган ўқувчиларга Президент совғаси — дарсликлар ва 12 та номдаги ўқув анжомлари тақдим этилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, моддий-техник базани мустақамлаш мақсадида бугунги кунга қадар 183 та спорт комплекслари (128 та кишлоқ ҳудудида), 62 та сузиш ҳавзалари (20 таси кишлоқ ҳудудида), 1796 та мактаб спорт заллари қурилиши ва 242 та спорт иншоотларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган. Улар зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиб, мазкур иншоотларда 23 та спорт тури бўйича машғулотлар ўтказиш имконияти яратилган.

Бугунга келиб 6-15 ёш оралиғидаги 1 миллион 615 минг 103 нафар (34,5 фоиз) ўқувчи спорт билан шуғулланишга жалб этилган. 1990 йилда эса бу кўрсаткич 7,4 фоизни ташкил этган, холос.

Республикада спорт мусобақаларини ўтказишнинг уч босқичли тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" бахслари барча турдаги таълим муассасаларида болаларнинг спорт билан изчил ва мунтазам шуғулланишини таъминлаш имконини бермоқда. Ушбу мусобақалар тизимида ўқувчилар ўртада ўтказиладиган, чинакам оммавийликка эга "Умид ниҳоллари" беллашувлари алоҳи-

Ўзбекистонда Вестминстер

да ўрин эгаллайди. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида спортчиларимиз томонидан нуфузли мусобақалар, жумладан, Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида галаба ҳамда юқори кўрсаткичларга эришиб, ўз навбатида, мазкур ҳолат мустақил Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Оила, маҳалла, мактаб ва жамият ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ушбу ҳамкорлик халқаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнда "Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институти, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан янада мустақамланди.

Мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумтаълим бурй беул таълим тизими жорий этилиши натижасида умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хўнар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиш имкониятига эга бўдилар. Касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлардаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам яратиб берди.

Таълим-тарбия жараёнини ислоҳ этиш олий ўқув юртлари ҳам четлаб ўтган эмас. Истиклол йилларида уларнинг сони икки баробар ортганлиги ва бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари сони 59 тани ташкил этганлиги, уларда 230 мингдан зиёд талаба таълим олаётганлиги, абитуриентларни талабалikka қабул қилиш механизмлари босқичма-босқич такомиллаштириб бораётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда Вестминстер

университети, Сингапур ме-нежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилган. Халқаро даражада танилган бундай олий таълим муассасаларининг бевосита мамлакатимизда фаолият кўрсатаётганлиги ёшларимиз учун яратилган қулайликлардан биридир.

Мана шундай эзгу ишларнинг самараси ўларок, Бутунжаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етган. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 2012 йил 16-17 февраль кунлари бўлиб ўтган ва кўплаб йирик халқаро таъшилотлар, молия институтлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислам тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия, Исроил каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этган "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш" мамлакатини барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг муҳим шартини" мавзусидаги халқаро конференцияда мамлакатимизда қисқа муддат ичида таълим соҳасида эришилган ютуқлар юқори баҳоланди.

Хусусан, халқаро анжуманда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлун Хейзер, Халқаро Вестминстер университети ректори Жефффри Петтс (Буюк Британия), М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий, Ислам тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али, Веб-

стерск университети проректори Нанси Хеллеруд (АҚШ), Сингапур менежментни ривожлантириш институти президенти Эрик Куан, Хосей университет ректори Тошио Масуда (Япония), Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Теодор Алерс ва бошқалар томонидан бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳаси тараққиётнинг бош омилига айланганлиги, мамлакат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қисқа муддатларда юқори натижалар берганлиги қайта-қайта эътироф этилиб, бу соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга юқори баҳо берилди.

Хуллас, мамлакатимизда таълим-тарбия олиш учун барча шароитлар яратилиши баробарида, ҳар кимнинг илм олиш ҳуқуқи қафолатланган. Бу ҳуқуқлар ҳар қандай ҳолатда дахлсизлик мақомига эга. Чунки ҳеч ким таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Таълим олиш ҳуқуқини ҳар қандай чеклаш эса қонун ҳужжатлари билан таъйиб қилинади. Ҳатто Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддасида фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузганлик учун ҳам, 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаслик учун ҳам жавобгарликлар назарда тутилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳар кимнинг билим олиши, беул умумий таълим олиш ҳуқуқи ҳар томонлама таъминланганлигидан, ҳар бир бола учун кенг маънавий озуқа майдонлари яратилганлигидан далolat беради.

Абдукамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Конституциямиз — бахтимиз пойдевори

Тадбир

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 39-умумтаълим мактаби ва Ўрта Чирчиқ туманидаги ижтимоий иқтисодиёт коллежида ҳам "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Бош қомусимизнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни бекиёс эканлиги, унда қароланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳар бир шахсининг жамият ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлашга, барча имконият ва салоҳиятини юзага чиқариб, ўзалигини намоён этишга мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Бош Қонунимиз

ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан мукамаллиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрига мувофиқлиги ва миллий давлатчилик бошқаруви-нинг бой таҳрибаларига асосланганлиги билан қимматли бўлиб, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий қафолат эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу жиҳат-

дан Конституциямизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва унга қатъий амал қилиш ҳақида долзарб эканлиги ҳамда фуқароларимизда қонунга итоаткорлик фазилатларининг шаклланишида катта аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

"Адолат ва инсонпарварлик мезони" мавзусида сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Тошкент вилояти ЎртаЧирчиқ туман кенгаши депутати Умид Шоумаров партия томонидан илгари сурилаётган голяларнинг рўёби ҳам ҳар жиҳатдан Бош қомусимизга боғлиқ эканини таъкидлаб, асосий қонунимиз ҳар бир шахсининг яшаш, ўқиш, ишлаш, эркин ижод қилиш, илмий ихтиролар яратиш эркинлиги каби

ҳуқуқларининг таъминлашини қайд этди. Иштирокчилар Ўзбекистон "Адолат" СДП ана шундай конституциявий ҳуқуқ ва қафолатлардан умумий фойдаланаётган фуқаролар — электрат вакилларининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар, энг фаол иштирокчи ёшлар эса Тошкент вилояти партия Кенгашининг ет-далиқ совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Инновациялар истиқболи

илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига бевосита боғлиқ

Инновация

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ўрта ва қисқа муддатларда инновацион ривожлантириш, модернизация қилиш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги кенгайиб бораётгани, малакали кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашяётгани, илмий лабораторияларда яратилаётган янги ихтиролар амалиётга изчил татиқ этилаётгани эътиборга молик.

Юртбошимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар ҳам олий таълимни юксалтиришга, таълимни фан билан боғлашга қаратилгандир. Қарорда ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизда ўқув жараёнининг илмий-тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни назарда тутадиган ўқув-илмий комплекслар ва марказларни ташкил этиш эътиборга олинган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетида Республика Фанлар Академиясининг учта илмий текшириш институти билан ҳамкорликда ўқув-илмий комплекслар ташкил этилган. Хусусан, Ядро физикаси институти билан физика факультети «Ядро ва назарий физика» соҳасида, Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан кимё факультети «Полимерлар кимёси» соҳасида, Микробиология институти билан биология-тупроқшунослик факультети «Микробиология» соҳалари бўйича ҳамкорликда ўқув-илмий комплекслари ташкил этилди ва уларнинг низоми, қўшма дастури ҳамда иш режалари ишлаб чиқилди. Унга қўра илмий текшириш институти олимлари дарс жараёнига, шунингдек, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилишга жалб этилган.

— Университетимизда 83 та ихтисослик кафедралари ва 3 та ўқув-илмий комплекси мавжуд бўлиб, уларда 81 та инновацион гуруҳлар ташкил этилган, — дейди илмий ишлар бўйича проректор Хожиақбар Тойчиев. — Ўқув юртимизда инновацион корпоратив ҳамкорлик асосида олиб борилаётган битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг мавзулари ишлаб чиқаришнинг 1500 дан ортиқ илмий-технологик муаммоларига йўналтирилгандир. Республикаимизда ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида



сил илмий муассасалари тузилмасини мақбуллаштириш ва улар фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорга асосан Фанлар Академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа блоки университетга ўтказилди ва фалсафа факультети қошида «Фалсафий тадқиқотлар ўқув-илмий комплекси» ташкил этилди. Унда ўқув йили сўнггига қадар ташкил этилиши кўзда тутилаётган семинарлар, илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирларнинг режаси тўзиб чиқилган бўлиб, ҳар бир тадбирда талабаларнинг иштироки аниқ белгиланган бўлиб, Математика ва инновацион технология илмий-тадқиқот институтининг математика блоки асосидаги «Математика» институти ҳам университет қошида ташкил этилди.

Шу ўринда мазкур олий ўқув юртида амалга оширилаётган бир қатор инновацион лойиҳалар бугунги кунда ишлаб чиқаришга жорий этилиб, иқтисодиётда ўз самараларини бераётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Университетнинг биргина кимё факультетида олиб борилаётган илмий изланишлар ва инновацион лойиҳалар фикримизга исбот бўла олади. Факультет профессор-ўқитувчилари бугунги кунда республикаимизга қўлаб кимёгарларни тайёрлаб бериш бораберида кенг миқёсда илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Илмий ишлар ва магистратура бўйича декан муовини Урал Аҳмедовнинг таъкидлашича, факультетда бугунги кунда фаолият олиб бораётган 7 та амалий, 8 та фундаментал, 2 та инновацион, жами 17 та давлат гранти лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар бугунги кунда кимё фанидаги назарий муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб билан бир қаторда республикаимиздаги кимё соҳасида оид муаммоларни бартараф этишга қаратилгандир. Шундай ишлардан бири кимё фан-

лари номзоди М.Каримов томонидан «Молларнинг пироплазмоз касалликлари даволаш ва профилактикаси имконини берувчи препарат ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа бўлиб, у бугунги кунда Ўзбекистонда қорамолларда учрайдиган пироплазмоз касаллигини даволашда ишлатиладиган ва республикаимизга четдан жуда катта миқдордаги маблаг ҳисобига келтириладиган дори воситасини маҳаллий хомашёлар асосида яратишга бағишланган.

«Табиий бирикмалар кимёси» кафедраси профессори Даврон Долимов раҳбарлигида «Глицерин таблеткалари олиниши технологияси ва тажриба партиясини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа тиббиётда бугунги кунда муаммо бўлган қон тўхтатувчи дори воситаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш, уларни тиббиётда кенг миқёсда жорий этишга ва ушбу турдаги воситалар импортининг ўрнини босишга бағишланган. Бугунги кунда ушбу дори воситаси тегишли давлат ташкилотларидан синовдан ўтказилган ва ҳозирда ишлаб чиқарилиш арафасида. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу дори воситаси тўлиқ маҳаллий хомашёлар, яъни республикаимизда ўсадиган ширинмия ва лағоҳилус ўсимликларида олинади.

Кимё фанлари доктори Мухтор Мухамедиев «Маҳаллий хомашё асосида олинган ионалмашув сорбентлар ёрдамида нефть ва газ қувурлари йўлдош сувларидан галогенлар ажратиш олиш технологиясини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Ушбу лойиҳа саноат корхоналаридан чиқарилаётган сувларни тозалаш учун тегишли технологияни яратишга бағишланган. Саноат корхоналари чиқинди сувларини тозалаш, айниқса, галогенларда тозалаш бугунги кунда республикаимиздаги долзарб муаммолардан бири эканлигини инобатга олсак, ушбу лойиҳа катта амалий аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён.

Факультет профессор-ўқитувчилари тегишли давлат гранти лойиҳаларини бажаришда факультет талабаларини ҳам ишларига кенг жалб этиб келмоқдалар.

Ҳар йили факультет илмий жамоаси Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида янги ишланмалар ва ўз ютуқлари билан муносиб қатнашиб келишмоқда. Бу йилги Республика V Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ҳам кимё факультети профессор-ўқитувчилари 2 та ишланма билан иштирок этиб, манфаатдор ташкилотлар билан умумий 832 миллион сўмлик шартномалар тузишга эришилди. Ушбу натижалар кимё факультети профессор-ўқитувчиларининг илмий изланишлари бевосита амалиётга жорий этишга мўлжалланганлигидан далолатидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олимларимиз томонидан яратилаётган инновацион технологиялар ва ишланмаларни амалиётга жорий қилишни фаол қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бугун иқтисодиёти ривожланган илгор давлатлар қаторидаги муносиб ўрнини мустаҳкамлаш учун республикада инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш ғоясини илгари сурмоқда. Шу мақсадда партия томонидан иқтисодий ёшларни илм-фанга кенг жалб этишни рағбатлантириш, уларда инновацион фикрлашни шакллантириш, мазкур вазифани амалга ошириш усул ва механизмларини аниқлаш, ёшларнинг ўз инновацион лойиҳалари ва ишланмаларининг амалиётга татиқ этилишида ишончини мустаҳкамлашга қаратилган қатор давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилмоқда ва уларда Ўзбекистон Миллий университети талабалари, ёш олимлари ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда.

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Глобал экология жамғармасининг Ўзбекистондаги Кичик грантлар дастури йиғилишида яна учта экологик ташаббус маъқулланди.

Экологик лойиҳаларга грантлар

Хусусан, Самарқанд вилоятида тупроқни химоя қилувчи деҳқончиликни ривожлантириш лойиҳаси, Қорақалпоғистонда далаларни лазерли режалаштириш лойиҳаси ва Наманган вилоятида биогаз қурилмасини барпо этиш лойиҳаси амалга оширилаётган бўлди, дея хабар беради Uzdaily.uz.

Самарқанд вилоятида тупроқни химоя қилувчи деҳқончиликни ривожлантириш лойиҳаси бир гектар ерда 86 мингта ем-хашак гарамини ишлаб чиқариш имконини берувчи технологияни намойиш этади. Ушбу технологиялар олдин Самарқанд қишлоқ хўжалик институти мутахассислари томонидан кичик миқёсда синовдан ўтказиб қўрилганди.

Лойиҳа доирасида тупроққа янгина ишлов беришнинг силанган тизимини ҳамда алмаштириб экиш тизимини намойиш этиш ҳам режалаштирилган бўлиб, келгусида уларни оммалаштириш кўзда тутилган. Бу билан Самарқанд

вилояти фермерлари ўз ерларининг маҳсулдорлиги ва тупроқ сифатини кўп қарра ошириш имкониятига эга бўладилар.

Қорақалпоғистонда далаларни лазерли режалаштириш лойиҳаси доирасида маҳаллий фермерларга ерларнинг унумдорлигини оширган ҳолда сувни қандай тежаш ва тупроқ шўрланишининг олдини олиш мумкинлиги намойиш этилади. Шунингдек, лойиҳада фермерларга далаларни лазер ёрдамида режалаштириш технологиясини ҳам кўрсатилади.

Наманган вилоятида биогаз қурилмасини барпо этиш лойиҳаси қишлоқ мактабидаги шариоитларни яхшилаш имконини беради. Қўрағамали биогаз қурилмаси иссиқхоналар ва қишлоқ мактабини газ билан таъминлаб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, Глобал экология жамғармасининг Ўзбекистондаги Кичик грантлар дастури 2005 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.



Ишлаб чиқариш ҳажми ўсмоқда

Наманган вилояти Чуст туманида фаолият кўрсатаятган «Styletextile» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, замонавий дизайнли трикотаж маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда хариддоргир. За-

монавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган ушбу цехнинг ишга туширилиши корхонага маҳсулот тайёрлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини берибди. Ҳозирги кунда бу ерда 106 киши меҳнат қилаётди.



Бухоро халқаро аэропорти — барқарор ривожланиш босқичида

Авиахизмат

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Фуқаро авиацияси соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. «Бухоро» халқаро аэропортида амалга оширилган катта ҳажмдаги ишлар ва эришилган ижобий кўрсаткичлар бу борадаги фикримизга яққол мисол бўла олади.

Мазкур аэропортни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш борасидаги ишлар 1996 йилдан эътиборан бошланди. Орадан бир йил ўтиб, Бухорода соатига 150 нафар йўловчига хизмат кўрсатувчи йўловчи терминали ишга туширилди. Шу



йилнинг ўзида аэропортнинг учинчи-қўнниш йўли капитал таъмирланди, йўлакларга «Siemens» компаниясининг ёритувчи замонавий жиҳозлари ўрнатилди, самолётларнинг ҳаводаги ҳаракатларини бошқариш ва парвозларни радио-электрон таъминлаш базаси

учун энг юқори сифатли радиоджиҳозлар ва сунъий йўлдош орқали бошқариладиган локация тизими янги жамланмаси фойдаланишга топширилди. Амалга оширилган бу каби саноат-ҳаракатлар Халқаро авиация кўмитасининг барқарор тадбирларига мос келади.

Ана шундай ижобий кўрсаткичлар сабаб «Бухоро» халқаро аэропорти қароргоҳи Моск-

ва шаҳрида жойлашган МДХ давлатлари халқаро фуқаро авиацияси «Аэропорт» ассоциацияси қарори билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 2008-2011 йиллар давомида қаторасига 4 марта «Йилнинг энг яхши аэропорти» деб топилди ва халқаро кубок билан тақдирланди.

2009 йилда эса «Бухоро» халқаро аэропорти мазкур ассоциация томонидан ўтказилган шундай танловнинг йил кўрсаткичлари бўйича «Барқарор ривожланаётган субъект» номинациясида ҳам ғолиб чиқди.

— Мамлакатимизда инфраструктура, транспорт ва коммуникация қурилишини жадаллаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида «Бухоро» халқаро аэропортида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида кўп ва хўп сўз юритиш мумкин, — дейди биз билан суҳбатда аэропорт директори Тоҳир Бахромов. — Ўтган 2011 йилда аэропортимизда энг замонавий, соатига 400 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги аэровокзал биноси фой-

даланишга топширилди. Шу муносабат билан учинчи йўлакларни таъмирланди, перронлар сони кўпайтирилди.

Бугунги кунда «Бухоро» халқаро аэропорти Ўзбекистоннинг энг йирик ҳамда нуфузли авиакорхоналаридан бири сифатида мамлакат ташқариси ва ичкарида катнайдиган барча тоифадаги ҳаво лайнерларини қабул қилишни кузатиш бўйича етарли имкониятларга эга. Ўтган йили аэропорт меҳнат жамоаси Бухоро — Тошкент, Бухоро — Урганч, Бухоро — Москва, Бухоро — Санкт-Петербург, Бухоро — Краснодар йўналишлари бўйича 102 минг нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатди. Бундан ташқари Россия, Австрия, Италия, БАА каби ўнла хорижий давлатларнинг туристик ва бизнес рейслари қабул қилинди.

Келгусида эса Бухоро — Екатеринбург, Бухоро — Новосибирск, Бухоро — Истанбул йўналишлари бўйича ҳаво кемаларининг қатновларини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, «Бухоро» халқаро аэропорти

барқарор ривожланиш босқичларидан дадил одимламоқда. Мамлакатимиздаги нуфузли авиакорхоналардан бири — «Бухоро» халқаро аэропортининг келгусида қўлга киритажак кўрсаткичлари бундан ҳам салмоқли бўлишига барча асос бор. Қолаверса, аэропорт мамлакатнинг кириш дарвозаси ҳисобланади. Мазкур аэропорт орқали ҳар қуни қадим ва ҳамиша навқирон Бухорога юзлаб чет эллик меҳмонлар ташриф буюришади. Бу ерда кўрсатилаётган хизматга қараб меҳмонларда юртимиз ва юрдошларимиз ҳақидаги илк таъассуслар пайдо бўлиши турган гап. Шу боис авиакорхона меҳнат жамоаси ҳар бир мижозга юқори сифатли хизмат кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Биз ҳам, ўз навбатида, «Бухоро» халқаро аэропорти жамоасининг меҳнатдаги ютуқлари бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Ҳамро АҚИЕВ,
журналист

Хуқуқ

Сўров институти

**Сўранг,
жавоб берамиз**

Матбуотда жамоатчилик ва вакиллик назорати фаолияти, депутатлик сўрови ҳақида жуда кўп гапирилади. Аммо депутатлик сўровининг моҳияти ҳусусида, депутатларнинг бу борадаги ваколатлари ҳусусида етарли маълумотга эга бўлишни истардим. Бу масала юзасидан газетада депутатлар чиқиши ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А. Мўминов, Фарғона шахри

Вакиллик ҳокимияти вилоят, шаҳар ва туманлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари бўлиб, айна пайтда улар сони икки юздан ошади. Маҳаллий вакиллик ҳокимияти таркибида марказий ўрини депутат эгаллайди. Бугунги кунда жамоатчилик асосида 6106 нафар депутат фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 452 нафарини «Адолат» СДП аъзолари ташкил этмоқда.

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятида депутат вакиллик функциясини бажариши баробарида сиёсий партия ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс ҳамдир. Улар сайловчилар ва партия электоратига яқин бўлгани боис унга шахсий ва ҳудудий аҳамиятга эга бўлган муаммолар билан кўп муурожаат қилинади.

Депутатга жамоатчилик ва вакиллик назоратини амалга оширишдаги энг таъсирчан воситалардан бири бўлган депутат сўровини амалга оши-

риш ҳуқуқи ҳам берилган. Мамлакатимиз қонунчилигида депутат сўрови институтининг ҳуқуқий асослари етарлича шакллантирилган бўлиб, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунга асосан депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериши ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақлидир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жавоб қайтаришлари лозим. Депутат сўровлари бўйича ахборот тегишли халқ депутатлари кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

Тўғри, айрим мансабдор шахсларнинг депутатлар сўровига ўз вақтида жавоб қайтаришни пайсалга солаётганлари ҳолатларидан ҳам кўз юммаслик лозим. Агар депутат ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланса, у ўз сўровига, албатта, жавоб олади. Сўров таъсирчан, унга жавоб янада аниқроқ бўлиши учун эса депутат партиядошларига, яъни кенгашдаги партия гуруҳига таяниши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ маҳаллий вакиллик ҳокимиятидаги партия гуруҳлари тегишли равишда ҳокимларга, ҳоким ўринбосарлари, ҳокимлик бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Демак, юқорида тилга олинган қонунларда белгиланган қўйилган ваколатлардан келиб чиқиб, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ёки туман Кенгаши депутати шу кенгашга ҳисобдор бўлиши ҳоким иш фаолиятини, кенгаш ҳудудидаги қонунийлик, экология, маориф, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, коммунал соҳа, бюджет ижросига алоқадор масалаларни сўровлар орқали назорат қилиши мумкин. Ушбу сўров орқали депутат ёки партия гуруҳи сайловчилар ва партия электоратини таъминлаштириётган у ёки бу муам-

мони кўтариб, унга ойдинлик киритиш, ахборот бериш, ечимини топиш мақсадида мансабдор шахсларга қонуний талаблар қўйишга ҳақлидир.

Конституциявий қонун билан кўппартиявийлик ва партиявий рақобат шароитида ҳокимлар устидан назорат қилиш вазифасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига юкланиши эса амалиётда ҳокимнинг сиёсий партиялар ва депутатлар олдидagi масъулиятини янада оширди. Эндиликда партия гуруҳи ҳоким томонидан қонун ва ҳукумат қарорларининг бажарилишини, вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги аҳоли юзасидан сўров билан муурожаат қилиб сўров натижасини, яъни ҳоким жавобини кенгаш сессиясида тинглаб, унинг фаолиятига баҳо бериши мумкин.

Бугун мамлакат сиёсий майдонда партиялараро рақобат ва курашлар муҳитини яратувчи сиёсий жараёнларнинг янги босқичида маҳаллий вакиллик ҳокимияти даражасида ҳам партиялараро рақобатнинг янада кучайиши табиий ҳолдир. Эндиликда депутатлик гуруҳлари сиёсий партия ва сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳуқуқларидан янада кенг ва оқилона фойдаланишлари зарур бўлади.

Мана, 21 июлдирки, мамлакатимиз кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари босқичма-босқич олдинга силжимоқда. Биз фуқаролик жа-

Тўғри, айрим мансабдор шахсларнинг депутатлар сўровига ўз вақтида жавоб қайтаришни пайсалга солаётганлари ҳолатларидан ҳам кўз юммаслик лозим. Агар депутат ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланса, у ўз сўровига, албатта, жавоб олади.

Сўров таъсирчан, унга жавоб янада аниқроқ бўлиши учун эса депутат партиядошларига, яъни кенгашдаги партия гуруҳига таяниши мақсадга мувофиқдир.

миятини барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг янги даражасида олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ қилиш, ўз навбатида, маҳаллий вакиллик ҳокимиятининг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш ва аҳолининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини оширишни тақозо этади. Айнан мана шу вазифаларни бажаришда депутат ўзининг ҳуқуқ ва бурчини тўғри англаши, депутат, партия гуруҳи, қолаверса, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол кечаётган ислохотларга дахлдор бўлиш ҳисси билан яшаши лозим.

Феруза ОМОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси

**Истеъмолчи ҳуқуқлари —
қонун ҳимоясида**

Банк пластик карточка бермаган

КАШҚАДАРЁ

Муборак магистрал газ қувурлари бошқармаси Қумқўрғон тумани бўлимининг етти нафар ишчиси қарийб беш ой мобайнида ўз иш ҳақларини олиша олмади. Бунинг сабаби ТИФ Миллий банк Муборак туман бўлими томонидан бошқарма ишчиларининг етарли даражада пластик карточкалар билан таъминланмасдан келинаётганлигидир.

Бу ҳақда Муборак туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан муурожаат этган бошқарма ишчилари мазкур банк томонидан кўрсатилаётган хизматдан норозилигини билдиришди. Яъни улар ўз муурожаатларида бошқарманин Қумқўрғон туман бўлимида 2012 йилнинг 8 февралдан буён ишлаб келишаётганликлари, ойлик иш ҳақларининг 80 фоизи пластик карточка орқали тўланиши бел-

гиланганлиги, бироқ ушбу банкнинг туман бўлимига бир неча бор муурожаат этилганлигига қарамастан, банк мутасаддилари ишчиларни пластик карточкалар билан таъминлашни пайсалга солиб келаётганлигини кўрсатиб ўтишган.

Ушбу муурожаат бўйича жамият мутахассислари томонидан ўрганишлар олиб борилганликлари, ойлик иш ҳақларининг 80 фоизи пластик карточка орқали тўланиши бел-

Ноқонуний фоиз олинган

САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳар Фарҳод қўрғончасида яшовчи Мамлакат Холиқовдан вилоят ҳудудий бирлашмасининг 231-01-72 рақамли «Ишонч телефони»га муурожаат тушган бўлиб, унда яшаш жойидаги «Бунёд» уй-жой мулкдорлари ширкатига коммунал хизматлари учун «Сибё Халқ банки» бўлими орқали тўловларни амалга ошираётганда ушбу банк ходимаси банк хизмати учун 10 фоиз ушлаб қолишини айтган. Сабаби сўралганда тўловлар пластик карточка орқали бўлгани учун ҳам шундай фоиз олиншини айтиб ўтган. Бирлашма ходимлари томонидан дарҳол мазкур ходимга бу ҳолат банк қондаларига зид эканлиги ҳақида тушунтириш берилди. Шундан сўнг вилоят Халқ банки бўлимига бу ҳақда маълумот тақдим этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халқ банки Самарқанд вилояти филиалидан жавоб хат олинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 11 апрелдаги «Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банклар томонидан амал қилиниши лозим бўлган таърифлар режаси туман (шаҳар) филиалларига ишда фойдаланиш учун юборилган. Тарифнинг 12.8 бандида «Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига бошқа маблағлар нақд пулсиз

қилинишида» Мижоз билан келишув асосида (4 фоизгача) банк хизмат ҳақи ундирилади. Пластик карточкалар орқали барча турдаги қиммат операциялари эса бепул амалга оширилади, деб кўрсатиб ўтилган.


Ушбу филиалнинг минибанки ходими томонидан бу таърифга риоя қилмаганлиги ва ўз ишига лаёқатсизлик билан ёндашгани ҳамда банк қондаларини бузганлиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда ҳайфсан ва иш ҳақи ҳисобидан 20 фоиз жарима қўлланилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси масъул ходими **Умид МАНСУРОВА** тайёрлади.

"UZSUNGWOO"

қўшма корхонаси ишга тушди

Фарғона шахрида Асакадаги "GM Uzbekistan" қўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берадиган "UZSUNGWOO" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди.



«Узавтосаноат» акциядорлик компанияси, Кореянинг "Sungwoo Co.LTD" ҳамда "I-Zone Co.LTD" компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхонага 47,8 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилди. Замонавий технологиялар асосида бу ерда янги русумдаги автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Корхонада "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган "Chevrolet Cobalt" автомобили учун 180 турдан ортик бутловчи қисмлар иш-

лаб чиқарилади. Бу ерда ўрна-тилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 120 000 та автомобиль компонентларини ишлаб чиқариш мумкин.

Натижада мазкур қўшма корхонада 453 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида йилига 82,7 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 25 миллион доллар миқдоридagi валюта тежалишига эришилади.

Шоира МАХМУДОВА

Айбсизлик презумпциясининг

жиноят процессидаги ўрни ва аҳамияти

**Концепция:
устувор вазифалар**

Мамлакатимизда қонунийлик тобора мустаҳкамланиб шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланмоқда. Жиноят процесси принципларидан бири бўлган айбсизлик презумпцияси шундай кафолатлардан биридир.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мазкур муҳим принцип алоҳида белгиланиб, мустаҳкамланиб қўйилишидан сўнг унинг аҳамияти янада ошди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзия дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас».

Айбсизлик презумпциясининг энг асосий мақсади — бу айбсиз кишини айбмаслик, жиноятчини аниқ топиш ва унинг айбларини қонунда белгиланган тартибда исботлашдир.

Ушбу мақсадга эришиш жиноят процессуал қонунчилигининг ҳам вазифаси, яъни айбсизлик презумпцияси фақат айбдорларни топиш ва жазолашга, айбдор бўлмаган айбланувчи фуқароларни айбсизлигини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Айбсизлик презумпцияси жиноят процессининг муҳим демократик принципларидан бири бўлиб, у шахс ҳуқуқларининг ҳимояланганини таъминлайди, асоссиз айблаш ва ҳукм қилишни истисно этади.


Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти

уларни бартараф этиш имкониятлари бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Жиноят ҳуқуқи назариясида айб деганда, шахснинг содир этган ижтимоий ҳавфли қилмиши (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва унинг оқибатларига (қасддан ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги) бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Айбсизлик презумпциясининг пайдо бўлиши ва принцип сифатида шаклланиши узок тарихга, XVIII асрга бориб тақалади. Бу ғоя Франция революцияси арафасида сиёсий-ижтимоий тушунча син-

Айбсизлик презумпциясининг асосий мазмунини шундан иборатки, шахсга нисбатан қўйилган айблов фақатгина ошқоралик, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларни бевосита текшириш ва бошқа кафолатларга асосланган суд муҳокамаси натижасидагина жиноят содир этишда айбли деб топилши мумкин, бунгача шахс айбсиз ҳисобланади.



фатида вужудга келган. У дастлаб 1789 йилги Франция фуқаролик ва инсон ҳуқуқлари декларациясининг 9-моддасида шундай мазмунда баён қилинган: «Ҳар бир инсон суд томонидан айбдор деб эълон қилинмагунча қадар айбсиз деб эътироф этилади. Уни уш-лаш вақтида қилинган ҳар қандай шафқатсизлик ёки инсонга хос бўлмаган муносабат қонун йўли билан қаттиқ жазоланиши лозим».

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасининг 1-бандида айбсизлик презумпциясига қўйиладиган таъриф берилган: «Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимояси учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча, айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир».

Айнан ушбу тушунча Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактининг 14-моддаси 2-бандида белгиланган «Жиноят қилишда айбланаётган ҳар бир одам, унинг айби қонунга биноан исботлаб берилмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир» қондаси мазмунини тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси-

нинг 23-моддасида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва қонуний қўшма қирғон суд ҳукми билан аниқланмагунча қадар айбсиз ҳисобланиши таъкидланган.

Юридик категория сифатида айбсизлик презумпцияси ўз мундарижасига кўра нафақат жиноят процесси, балки ҳуқуқнинг бошқа, ҳусусан, айб-лилик ва жавобгарлик масалалари ҳал қилинадиган соҳаларга ҳам тааллуқлидир.

Айбсизлик презумпциясининг асосий мазмунини шундан иборатки, шахсга нисбатан қўйилган айблов фақатгина ошқоралик, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларни бевосита текшириш ва бошқа кафолатларга асосланган суд муҳокамаси натижасидагина жиноят содир этишда айбли деб топилгани мумкин, бунгача шахс айбсиз ҳисобланади.

Терговчи, прокурор шахснинг жиноят содир этганига ишончидан қатъи назар, шахсга ҳукм чиқарилиб, у қонуний қўшма қирғонга қадар айбдор деб ҳисобланмайдиган. Шунинг учун айбдорлигига етарли далиллар бўлмаган тақдирда шахс оқланиши, айбсизлик презум-

пцияси асосида реабилитация қилиниши лозим.

Айбсизлик презумпцияси шахс ушланган вақтидан бош-ланиб, суд ҳукми қонуний қўш-ма қирғонга қадар амалда бўлади.

Гумон қилинувчи ёки айбланувчини айби исботланмай туриб судга беришга, суд эса суд мажлисида текширилмаган далилларга асосланиб судланувчини айбдор деб то-пишга ҳақли эмас. Бу ҳолат одил судловга қарши қара-тилган жиноят ҳисобланиб, тегишли жиноий жавобгар-ликка тортишга асос бўлади.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчини ҳуқуқий стату-си сифатида нафақат жиноят процессида, балки барча ҳуқуқий муносабатда намоён бўлади. Ҳукм қонуний қўш-ма қирғонга қадар айбланув-чини қамоқда ушлаб турилган-ни учун сайловларда ишти-рок этиш, турар-жойдан фой-даланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, иш жойидан бўша-тиш, ўқув муассасасидан чет-латиш мумкин эмас. Чунки у айбсизлик презумпцияси би-лан кафолатланган. Айбсиз-лик презумпцияси талаблари-га риоя этмаслик одил суд-ловга зид келадиган, фуқаро-ларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари-ни бузилишига сабаб бўладиган ҳолатдир.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчи учун нафақат асоссиз айбланушдан, балки ҳукм қилинишдан ҳимоялов-чи кафолат бўлиб хизмат қилади. Унинг айби қатъий исботланиши ва бартараф этилиши мумкин бўлмаган шубҳаларни айбланувчининг фойдасига ҳал қилиниши ҳақидаги талаб давлат орган-ларини иш ҳолатларини хо-лисона, ҳаққоний аниқлашга ундайди, бусиз иш судда асосли ва адолатли ҳал эти-лиши мумкин эмас. Айбсиз-лик презумпциясидан озгина бўлса-да четга чиқиш одил судловда қонунийликнинг бу-зилишига ҳамда фуқаролар-нинг ҳуқуқ ва қонуний ман-фаатлари камситилишига олиб келади.

Умид ҒУЛОМОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Фермерлик

Шарҳ

Дунё аҳолисининг муттасил ўсиши озиқ-овқат, ёнилғи ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлаётгани, бу эса ўз навбатида, ўрмон ҳудудларининг қисқаришига, тупроқ тузилмасининг бузилиши, атмосферанинг юқори қисмида жойлашган озон қатламнинг камайиши ва албатта, ҳаво ҳароратининг иссишига олиб келаётир. Айниқса, ривожланаётган давлатларда глобал молиявий инқироз оқибатида озиқ-овқат нархининг сунъий ошиши, табиий сабабларга кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тақчиллиги кузатилаётгани ердан унумли фойдаланиш ҳамда фермерлик масаласига алоҳида эътибор қаратишни талаб этаётир.

Дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришда фермерлар ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Шубҳасиз, аграр соҳа тараққиётига қишлоқ хўжалигини, техникани, суғориш усулларини, иқтисодиётни тушунадиган ташкилотчи, ишбилармон, ерга эгаллик ҳиссини туйган тadbирдор деҳқонларгина ҳисса қўша олади. Жаҳон фермерлик тажрибасига назар ташласак, бунга гувоҳ бўламиз.


Бугунги замонавий АҚШда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 67 фоизини 69 мингдан зиёд йирик фермер хўжаликлари (фермерлар умумий сонининг 36 фоизи) етиштиради. 26 минг фермер хўжаликлари (умумий фермерларнинг 1,4 фоизи) камида бир миллион долларлик маҳсулот етиштиради. Умумий маҳсулотнинг 1,5 фоизини ишлаб чиқарадиган майда фермерлар эса жами фермерларнинг 50 фоизини ташкил этади. Америкада фермерлик тизимига асос солинганига 180 йил тўлди. Биргина Калифорния штати энг юқори пахта ҳосили етиштириш ва энг юқори меҳнат унумдорлиги бўйича Дунё миқёсда ажралиб турибди. Бу ерда 300 минг гектар ердан ўртача гектаридан 45-46 центнердан пахта ҳосили олинади. Шунинг билан бирга Америка бугунги кунда паррандачилик маҳсулотларини етиштиришда дунёда пешқадамлик қилмоқда. Америкалик фермерлар, аввало, замонавий илғор технологияларни ўзлаштиришга, шу билан бир қаторда, хомашёни қайта ишлаб, маҳсулот чиқаришга катта эътибор қаратадилар.

Ҳақиқатан ҳам океанorti мамлакатли фермерларнинг дунё иқтисодиётида ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳам бугун дунёда етиштирилаётган дук-качилилар, соя ва макканонияри, пахта, галла ва тамакининг 10 фоиздан 25 фоизгача-

си Америка фермерлари ҳиссасига тўғри келади. Америка иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги ҳамма кўрсаткичлари бўйича йирик бизнес ҳисобланади. Кучли курғоқчиликка қарамай, АҚШ фермерлари бу йил 122 миллиард доллар миқдорида даромад олишлари кутилаети. Дон нархининг ошиб бораётгани ва ҳосилдорлик ҳажми камайгани сабабли федерал суғурта фонди тўловлари эвазига ҳам фермерларнинг каттагина даромад олишлари тахмин қилинаети.

АҚШ аҳолини рўйхатга олиш Бюросининг маълумотида қараганда, фермерларнинг атиги 9 фоизи ерни ижарага олиб ишлатса, 90 фоиздан кўпроги ерга тўла ёки қисман эгалик қилади. Чинакам мулкдор бўлган ва ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлган фермерлар бозорни турли хил мўл-кўл маҳсулотлар билан таъминлайдилар.

Давлат солиқ тизими мамлакат фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. 1988 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги даромадидан олинадиган солиқ ставкаси фермер хўжалигининг каттачиликлигига қараб 15 ва 28 фоиз (олдин 11 фоиздан 50 фоизгача бўлган) атрофида белгиланган. Даромади 50000 доллардан ошмайдиган фермер 15 фоиз, даромади 75 минг доллардан ошган фермерлар 28 фоиздан солиқ тўлайдилар. Давлат ёки минтақавий аграр лойиҳаларини қизиктирган янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этолган фермер эса имтиёзли солиқ тартибидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Давлат фермерларни субсидия билан таъминлар экан, ўз навбатида, нарх-навоини ҳам бирдек ушлаб туришга ҳаракат қилади. Яъни, Федерал ҳукумат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилари ва истеъмолчилари




ўртасида ҳакам вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича Хитой дунёда биринчи ўринда туради. Қишлоқ хўжалигидаги 329 миллион гектар ернинг 224 миллион гектаридан фойдаланишнинг, имкони бор. Умумий ҳай-даладиган ер майдони эса 110 миллион гектарни ташкил этиб, дунёдаги бундай ерларнинг 7 фоизини ташкил этади. Хитой классификациясига кўра, ер фондининг 21 фоизидан юқори унумдор ерлар ҳисобланади. Бу кўрсаткич Россия, Япония, Англия, Франция, Германия, Италия ва Мексикани қўшиб ҳисоблаганда ҳам 6 баробар кўпроқ. Бугунги кунда Хитой пиёз, имбир ва саримсоқлиёз етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. «Financial Times» газетасининг хабар беришича, Хитой озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакат ташқирисидан яроқли ерларни сотиб олишни мўлжалламоқда. Бу билан фермерлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва четта маҳсулотларни чиқаришни кафолатлашга уринмоқдалар.

Хитой компаниялари, биринчи навбатда, Африка ва Лотин Америкасидаги унумдор ерлардан сотиб олишмоқчи. Албатта, бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат банклари ва инвестиция фонд-

дунёни қашшоқлик ва очарчиликдан халос этувчи ижтимоий куч



лари томонидан кредитлар ажратилади.

«Financial Times» газетасининг таҳлилига кўра, Чин миллий қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини тўлиқ таъминлай олмайдди. Шунинг учун режалаштирилаётган мамлакатлардан қўшимча ер сотиб олиш билан биргаликда Хитойдан аграр соҳадаги фермерлар ҳам шу мамлакатларга юборилади. Шунингдек, Хитой шולי етиштиришда ҳам биринчи ўринда туради. Айтиш жоизки, шולי дунёнинг 115 дан зиёд мамлакатда 155 миллион гектарга яқин майдонга экилади. Унинг маҳсулоти бўлмиш гуруч қарийб 3 миллиард кишининг асосий озиқ-овқат манбаи ҳисобланади. Ҳар йили ўртача 600 миллион тонна, яъни дунё бўйича киши бошига тахминан 100 килограммдан шולי етиштирилади.

Ялпи шולי етиштириш бўйича жаҳонда Хитой (290,2 млн. тонна ёки 31,8%) биринчи, Ҳиндистон (134,2 млн. тонна ёки 22,4%) иккинчи, Индонезия (51 млн. тонна ёки 8,5%) учинчи ўринда туради.

Бундан қарийб эллик йил муқаддам Исроилда барча озиқ-овқат маҳсулотлари картотка тизимида тарқатилар, аксарият маҳсулотлар инсонларварлик ёрдами сифатида бошқа мамлакатлардан олиб келинар эди. Бироқ қишлоқ хўжалигига юқори технология-

ларнинг жорий этилиши, сувни четдан импорт қиладиган мамлакатда томчилаб суғориш усулининг жорий этилиши, фермерларга кўрсатилган ёрдам ўз самарасини бермай қўймади. Бугунги кунда Исроил озиқ-овқат билан ўзини тўла таъминлабгина қолмай, ҳар йили ярим миллиард доллар атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Аслида Исроил давлати майдони 21 минг квадрат километр (Сурхондарё вилояти майдонига тенг) бўлиб, худудининг тенг ярми сахро, қолган қисми тоғ, адир ва ўрмон-дундан иборат бўлиб, деҳқончилик қилиб ҳайдаладиган ерлар 4370 квадрат километрни ташкил этади, холос.

Мамлакатда деҳқончиликка яроқли ерлар жуда кам бўлгани ҳолда сув ундан ҳам тақчил. Бу эса аграр соҳада энг илғор технологияларни қўллаш, ердан, сувдан унумли фойдаланиш заруратини тугдиради. Ана шу имкониятлар ишга солиниши туфайли, айниқса, гул етиштириш тармоғи гуллаб-яшамоқда. Исроилда 2 минг гектар майдонда бир йилда ўртача 1,4 миллиард донга гул етиштирилади.

Гулларнинг асосий қисми иссиқхоналарда, компьютерлар ёрдамида сунъий иқлим яратилган ҳолда етиштирилади. Яратилган янги технологиялар асосида эса ўсимлик-

лар танасидаги барча ўзгаришлар назорат қилиб борилади.

Бугунги кунда фермерлик энг кўп самара келтираётган мамлакатлардан бири Янги Зеландия ҳисобланади. Европа Иттифоқи стандартларига жавоб берадиган бу тизимда камида 2 фоиз иш кучи сарфлангани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60 фоизи етиштирилади. Чорвачилик, боғдорчилик, виночилик ва ўрмончилик маҳсулотлари миллий иқтисодиётнинг асосий устунларидан саналади. Тадқиқотчилик ишланмалари ва замонавий технологиялар Янги Зеландия аграр маҳсулотлари рақобатбардошлилигини ва халқаро майдонда унга бўлган юқори сўровни таъминлайди. Мамлакатдаги қўйлар сони 40 миллиондан кўпроқни, йирик шохли қорамоллар сони 8,6 миллион бошни ташкил этади.

Янги Зеландия қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланган давлатларнинг кўпчилиги учун ноёб саналади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, давлат томонидан фермер хўжаликларига ҳеч қандай дотация берилмайдди. Шу боис Янги Зеландиялик фермерлар халқаро бозорларда давлатдан субсидия оладиган бошқа мамлакатлардаги фермерлар билан мустақил равишда рақобатлашадилар. Шунинг учун ҳукумат халқаро иқтисодий форумларда ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказиладиган йигинларда қишлоқ хўжалигига давлат ёрдами кўрсатиш тартибини умумлаштириш ёки субсидияларни беркор қилиш таклифларини кўп илгари суради.

Таъкидлаш жоиз, XXI аср бошларида дунёнинг кўплаб мамлакатларида фермер хўжаликларининг кескин йириклашуви юз бердики, бу ерни сифатли ишлашга қодир янги технологиялар ва инновацияларни қишлоқ хўжалигида жорий этиш имкониятини яратди. Бироқ майда фермер хўжаликлари борасида қайғурадиган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Айтайлик, БМТнинг озиқ-овқат дастури ташкилоти муттасил ошиб бораётган сайёрамиз аҳолисини тўйдириш учун майда фермер хўжаликлари зарур деган хулосага келди. Мутахассислар фикрича, майда фермерлик «глобал очарчилик» муаммосини ечишга ёрдам беради.

Аксарият мамлакатларнинг аграр соҳадаги муаммоларини шундан иборатки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тақсимлайдиган фақат йирик кор-

порациялар мавжуд. Соҳани монополия қилиб олган ишлаб чиқарувчиларнинг ҳосили ҳар доим ҳам кўнглидагидек бўлавермайдди, шу сабабли бу ҳолат айрим пайтларда маҳаллий бозорларда маҳсулот тақчиллигига ва нархларнинг ошишига олиб келади. Энг ёмони, глобал инқироз туфайли жаҳондаги очлар сони тахминан 200 миллион нафарга кўпайди. Уларнинг 20 фоизи Осиё — Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар худудида истиқомат қилади. Яна бир факт. Бугун дунё аҳолисининг 2 миллиардга яқини ўз даромадининг 50-70 фоизини егулик олишга сарфлайпти.

Шу сабабли жонажон Ўзбекистонимизда ҳам фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади соҳада мулкдорлар синфини шакллантириш орқали рақобат муҳитини юзага келтиришдир. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99 фоизи нодавлат секторни зиммасига тўғри келаётир.

Шукрона айтиш керакики, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказиладиган ислохотлар, соҳани модернизациялашга қаратилган сайёҳаракатлар, фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсат ўз самарасини бермай қолмапти. Натижада бозорларимизни ўзимизда етиштирилган, арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида замонавий технологияларни жорий этиш, қишлоқда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Илёс САХАТОВ

Социал-демократлар энг йирик фракция

28 октябрь куни Литвада бўлиб ўтган парламент сайловларининг иккинчи босқичи натижаларига кўра, сеймда бир мандатли округлар бўйича энг кўп ўринни социал-демократлар ва консерваторлар олишган.

DELFI агентлиги маълумотида қараганда, Литва социал-демократик партияси (ЛСДП) 22 та, «Ватан иттифоқи» — Литва христиан демократлари 20 та округда етакчилик қилишаётир. Бу эса ҳар икки босқич сайловларида 38 та ўринни ишғол этган социал-демократларнинг парламентда энг йирик фракцияга айланишини таъминлайди.

Партиявий рўйхат бўйича энг кўп мандатни қўлга киритган мухолифатдаги Меҳнат партияси иккинчи турда 12 та мандат билан учинчи ўринда қолди. «Тартиб ва адолат» партияси дастлабки натижаларга кўра, бешта ўринга эга бўлишган. Мазкур партиялардан сеймга муқобил тарзда 30 ва 11 депутат қиради.

ЛСДП, Меҳнат партияси ҳамда «Тартиб ва адолат» партияларига сеймдаги 141 та ўриннинг 79 таси тегадиган бўлиб турибди. Улар эришган келишувга кўра, тузиладиган коалицияда бош вазирлик лавозими социал-демократларга тақдим этилади.

Литвадаги парламент сайлови аралаш тизим асосида ўтказилади. Депутатларнинг 70 нафари партиявий рўйхат, 71 нафари бир мандатли округлар бўйича сайланади. Сайловнинг 14 октябрда ўтказилган биринчи босқичида партиявий рўйхат бўйича Меҳнат ва социал-демократик партиялар энг кўп овоз тўплашди.



Sandy талафоти

Sandy мегатўфони Нью-Йорк ва унга ёндош шаҳарларни бутунлай қароқат аҳволга келтириб қўйди. Оғир ёғингарчилик, тўфон ва қарийб 13 футлик сув тошқини Америка шарқий қирғоғидаги шаҳарлар транспорт-коммуникация тизимларини мутлақо издан чиқариб юборди.



Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳозирча Америка ва Канададан камида 45 киши мазкур мегатўфон қурбонига айланишди. Ҳисоб-китобларга кўра, 20 миллиард доллардан ортиқ зиён етказилган. 13 та штатдаги 7,4 миллиондан ошқ аҳоли электрисиз қолди. Умуман олганда тўфон қурбонлари сони 120 кишидан ошиб кетди. Улар сирасига АҚШдан ташқари, Канада, Пуэрто-Рико, Куба, Ямайка ва Гаити фуқаролари ҳам қиради.

Супердовул ёпирилган дақиқаларда Атлантика океани АҚШ шарқий қирғоқларини ўз домига тортигандек кўринди ва қатор шаҳарлар сув ичида қолди.

Sandy АҚШ шимолий-шарқий ҳудудларига ёпирилган энг йирик Атлантик довулдир. 10 миллионга яқин одам яшаётган Нью-Йорк шаҳрида фавқулодда ҳолатда ишга туширишга ҳозирланган генератор ишламай қолди, уйлар ертўлалари, метро бекатлари ва тунелларни сув босди.

Кўп штатларда кўчаларга ёпирилган тўфон оқибатида машиналар ва уйлар иккинчи қаватигача сув остида қолди.

Минтақачилар олдинда бормоқда

Украинада 28 октябрь куни ўтказилган парламент сайловида берилган овозларни санаш давом этмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирча президент бошчилигидаги ҳукумрон партия номзодлари ҳам партия рўйхати бўйича, ҳам бир мандатли сайлов округларида пешқадамлик қилмоқда.

Украина Марказий сайлов комиссияси яшанба куни ўтказилган парламент сайловида берилган овозлар деярли санаб бўлинганини билдирди. Расмий маълумотларга кўра, партия рўйхати бўйича президент Виктор Януковичнинг Регионлар партияси 31,51 фоиз овоз билан пешқадамлик қилмоқда. Мухолифат лидери Юлия Тимошенконинг Баткишина партияси 24,5 фоиз овоз билан иккинчи ўринда бормоқда.

Украина Коммунистик партияси 13,7 фоиз, бокс бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко янги тузган УДАР партияси 13,52 фоиз овоз билан учинчи ва тўртинчи ўринда бормоқда. Свобода миллатчилар партияси эса 9,7 фоиз овоз билан бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Украина парламентдаги 450 та ўриннинг 225 тасини партия рўйхати бўйича, қолган 225 тасини бир мандатли сайловда ғолиб чиққан номзодлар эгаллайди. РБК-Украина ахборот агентлиги хабарига кўра, Украина Марказий сайлов комиссияси раиси Михаил Охендовский сайлов якуний натижаси 11-12 ноябрь кунлари маълум бўлишини билдирган.

Украинадаги сайловни қарийб 4000 нафар маҳаллий ва халқаро кузатувчи кузатди.



250 минг еврога фуқаролик олиши мумкин

Венгрия расмийлари камида 250 минг евролик давлат облигацияларини сотиб олган хорижликларга фуқаролик мақомини беришни таклиф этапти. Бу ҳақда The Wall Street Journal газетаси хабар тарқатди.

Мамлакатнинг миллий қарзини бартараф этишга хизмат қилувчи қонун лойиҳаси ҳукумрон «Фидес» (Fidesz) партияси депутатлари томонидан таклиф этилган. Аммо ушбу ташаббус Европа Иттифоқи аъзолари томонидан танқидга учради. Европа сиёсатчилари ташаббусни ЕИДаги аъзоликни дахшатли суиистеъмол қилиш деб баҳолади.

Венгрия ЕИГА 2004 йилдан бери аъзо. 2011 йилнинг нояб-рида эса Будапешт Халқаро валюта жамғармасидан 3-4 йил муддатга 15-20 миллиард АҚШ долларини миқдорида қарз сўраган. Мамлакат ҳукумати ялпи ички маҳсулотнинг 85 фоизига етиб қолган қарзини тўлаш қурбига эга бўлмаганлиги сабабли ХВЖдан қарз сўрашга мажбур бўлганди.

Сўнгги саҳифа

Саҳна асоси — драматургия

Ўзбекистон Халқ артисти, таниқли театр ва кино актрисаси
Малика Иброҳимова "Adolat" газетаси мухбири саволларига жавоб берди

— Яқинда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида профессор Тоир Исмоилиннинг сиз фаолият юритаётган Миллий академик театр ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Унда муаллиф жамоанинг эришган ютуқлари билан бир пайтда сўнгги пайтларда саҳналаштирилган асарларнинг савияси хусусида танқидий фикрлар билдирган. Бу борада сизнинг фикрингиз?

— Театр жамоаси раҳбарияти бенуксон ишламоқдамиз, деб даъво қилмаган, қилмайдими ҳам. Мен танқидчи эмасман. Кўпчилик санъаткорлар қатори яхши драматургияларда ўйнашни орзу қиладиган актёрман. Ҳар бир миллатнинг маданиятини билиш учун унинг театрига бор, деган гап бор. Чунки театрда томошабин маданияти ҳамда режиссёр, драматург, бастакор, расом сингари ижодкорларнинг ишлари муҳасаммалашди. Яъни театр — синтез, санъат. Мукамал саҳна асари яратилиши учун драматург, режиссёр, бастакор, расом, актёрлар бирлашган ҳолда ишлаши керак, деб ўйлайман. Бунинг учун театр қошида ёки бошқа жойда клуб ташкил қилинса, у ерда юқоридаги инсонлар тез-тез учрашиб туриб, театрда юзага келаётган муаммолар хусусида баҳс-баҳс, буюк саҳна асарлари кўпроқ вужудга келармиди.

Бизга тарихдан маълумки, энг кучли саҳна асарлари айнан театрда туғилган. Ҳамза яратган асарлар буюклигининг сири ҳам унинг театрда кашф қилинганлигида бўлса ажабмас. Шундай экан, драматургларнинг асарни тўрт девор ичида ёзиб, саҳна асари туғилиши пайтида қатнашмасликларини ижобий деб ҳисобламайман. Менимча, пьесада аjoyиб фикр ва муаммо бор бўлса-ю, лекин унинг томоша-



боплиги бўлмаса, бадийи хатдан мукамаллик етишмаса, бундай асар томошабини бефарқ қолдиради. Ақсинча томошабоп, бадийи хатдан мукамал бўлиб, унда фикр бўлмаса, бу асарнинг ҳам умри қисқа. Лекин саҳнанинг асосини драматургия ташкил қилиши шу соҳа вакиллари кўпроқ масъулият юклаши табиий. Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор сингари атоқли ёзувчиларимиз яратган асарларга назар ташласак, қанчадан-қанча сўз ўйинлари, муболага ва муқоссаларни кузатишимиз мумкин. Масалан, Абдулла Қаҳҳор бирон образ-

нинг биргина кулиш ҳолатини ўша қаҳрамонгагина хос тарзда кўрсатиб бериш мақсадида соатлаб синоним сўзларни кўриб чиқар экан. Қодирийнинг Отабекнинг тилидан айтган биргина "келинингиз олдида мен жонсиз бир хайкалдиман" ибораси қаёқда-ю, оддийгина "сиз танлаган келинингизни севмайман" каби жумлалар қаёқда? Тўғри, истеъдодли адибларимиз кўп. Бироқ ҳамма ёзувчи ҳам драматург бўла олмайдими. Бунинг учун сўз ўйини, ўхшатиш, афоризмлардан тузилган мөнолог ва диалогларни ёза оладиган, саҳна қонун-қоидаларини биладиган, сўзнинг қудра-

тини ич-ичидан ҳис қиладиган драматурглар мактабини шакллантириш керак. Энг муҳими, халқимиз — санъатсевар халқ. Уларга қиймега етказилган асарларни кўрсатгимиз келади.

— Бугунги кунда китоб ўқувчилар қандай кетма-кетликни кўраётган?

— Бир мутафаккир адиб "Бутун рус миллати йўқ бўлиб кетса ҳам, Чеховнинг китобини ўқиган инсон бу миллат ҳақида ҳаммасини билиб олади", деган экан. Дунёда ҳамма нарсанинг чеки бор, иморатлар вақти соати билан нурайдир, инсон умри ҳам бир кун яхунланади. Лекин сўз умрбод муҳлатида қолади. Китобга битилган сўз орқалигина ўқишнинг қандай бўлганини билишимиз мумкин. Шунинг учун китоб — муқаддасдир.

— Ёш санъаткорларга истакларингиз.

— Бугунги интилувчан, саҳнага ёниб чиқаётган ёшларнинг истеъдоди олдида бош эгаман. Маслаҳатим, лов этиб кириб келган ёшларимизнинг ижодлари сўниб қолмаслиги учун тинимсиз изланишдан толмасинлар. Шиддат билан кечаётган замонимиз талабига мос фикрлаб, нафақат санъаткор сифатида, балки шахс сифатида тўлиқ шаклланишларини талаб қоламан. Кино ва театрларимизнинг келажаги ёшлар қўлида. Улар ёрдамида ҳар бир театр ўзининг юзига эга бўлиши, ўртада соғлом рақобат юзага келиши лозим. Шундай ишларни амалга ошириш учун, биринчи навбатда, театрлар қошида студиялар очилса, яхши бўларди. Унда барча ижодкорлар — драматург, режиссёр ва актёрлар бирлашиб ижод қилишса, ҳақиқий санъат асарлари кўпаяди, деган умиддаман.

Саодат СОДИҚОВА
суҳбатлашди

Фонограмма

Мушоҳада

«Фонограмма» асли юнонча сўз бўлиб, овоз ташиш, ётказиб бериш маъноларини ифодалайди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида асосан мусиқий фонограммалардан фойдаланиш тўйларда, йигинларда урфга кирган эди. Аммо бора-бора у ижронини тўлиқ эгаллади. Авваллари устоз санъаткорларимиз тор, танбур билан шаклланган бўлишса, ҳозирги ёш хонандаларнинг тили фонограмма билан чиқаяпти.

Бугун концерт дастурларида хонандалар фонограммалардан кенг фойдаланишмоқда. Бу ҳақда дастурлардан бир ой олдин кўчаларда осилган афишаларда, реклама банерларида ҳам эслатиб қўйилади. Зеро, «Реклама тўғрисида»ги Қонунга биноан, концертларда фонограммалардан фойдаланадиган бўлса, афишада бу ҳақда эслатиб ўтиш шарт. Қўплаб санъаткорларнинг эса концерт рекламаларида «жонли ижро ва фонограммалардан фойдаланилади», деб ёзилади, аммо концертда қўшиқни компьютер «айтади», холос.

Бу ерда яна бир муаммага дуч келамиз, мутахассисларнинг таъкидлашича, овознинг меъёридан оширилиши инсон руҳиятига қаттиқ таъсир ўтказибгина қолмай, унинг эшитиш қобилияти пасайишига ҳам олиб келар экан. Яъни, одам бора-бора шундай оҳангга ўрганиб қолади. Ҳолбуки, овознинг ҳаддан зиёд баландлиги мусиқа ва қўшиқнинг эстетик таъсирини, мусиқий дидни пасайтиради.

Дунё шоу-бизнесида ҳаракат, рақс билан қўшиқ куйлаш одатга айланди. Йигирманчи аср эстрада юлдузлари Эл-

вис Пресли, Майкл Жексонлар бу жараёнларни оммалаштириб юборишди. Бугунги кунга келиб, аксарият ёш санъаткорларимиз хориж қўшиқчиларига тақлид қилиб, миллийлигимизга мос келмайдиган имижда чиқишга зўр беришмоқда. Фонограммалардан фойдаланишнинг кенг тарқалишида ҳам айнан ўша тақлиднинг таъсири сезилади.

Республикамизнинг санъат йўналишидаги ўқув даргоҳларида талабаларга мусиқа маданиятидан етарлича сабоқ берилди. Лекин ҳеч қерда ўқимаган, ҳатто бошланғич нота таълимидан ҳам беҳабар хонандалар катта маблағлар эвазига «юлдуз»га айланишмоқда.

Яқинда бир санъаткор катта залда кўлда тор билан қўшиқ куйлади. Демак, эстрада санъатини издан чиқарган фонограмма энди миллий мумтоз йўналишига ҳам аста-секин тажовуз қилмоқда.

Фонограмма ишлаб чиқарувчилар халқаро федерациясининг маълумотларига кўра, йилига дунё бўйича мусиқий асарларнинг ноқонуний савдосидан тушадиган маблағ деярли 10 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бундан кўрииб турибдики, дунё шоу-

бизнеси нафақат санъат, балки иқтисодиётнинг ҳам муҳим тармоғига айланиб қолмоқда. Концертга томошабин қўшиқ эшитгани келади, сохта «хониш» қилиб, саҳнада майна-возчилик қиладиган масхара-бозларни кўргани эмас. Бугунги кунда фонограмманинг ватани бўлган Фарбада ҳам деярли ундан фойдаланишмайди: кескин рақобат муҳити бунга йўл қўймайди. Яъни, санъаткор концерт дастурида фонограммалардан фойдаланадиган бўлса, ўз мухлисларини йўқотиб қўйиши мумкин. Хитойда эса концерт маҳал фонограммалардан фойдаланган санъаткор катта жаримага тортиларкан.

Қўшиқ куйлаш — ижод жараёни санъаткорнинг томошабин билан дилдан мулоқот қилиш жараёни. Албатта, юракдаги нолаларни овоз қўйишчилар чиқариб бера олмайдими.

Техниканинг бу тахлит қучайиб кетишига имкон қадар барҳам бериш тингловчи ҳам боғлиқ. Талабга яраша тақлиф ахир. Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёкубов ўз мақолаларидан бирида «...Алкоголизмга, наркоманияга қарши курашамиз, аммо мусиқа ва қўшиқларни ижро этишда сунъийликка ҳам қарши курашиш пайти келмадимикан?» дея қўноғини ёзади. Назаримизда фонограммаларнинг тартибга солиш фурсати етди.

Кўни кеча бир хушхабар эшитдик: 10 ноябрь кўни «Истиклол» санъат саройида жонли ижродаги қўшиқлар фестивали ўтказилмоқда экан. Бўлар экан-ку?

Дилором ЖУМАНИЕЗОВА

Эрматов ва Саидов баҳсларни бошқаради

ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва ёрдамчи ҳакам Жаҳонгир Саидов 3-17 ноябрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Рас-ал-Хайма ва Фужайра шаҳарларида бўлиб ўтадиган U-19 Осиё чемпионати ўйинларида ҳакамлик қилади.

Мусобақага жами 12 нафар бош ҳакам ва 16 нафар ёрдамчи ҳакамлар тақдир этилган. Уларнинг барчаси 31 октябрда қадар БААГА етиб келишди. 1 ноябрь кўни

эса жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар, шунингдек, тайёргарлик машғулотлари ўтказишди. Бугун ҳам мусобақага тайёргарлик давом этади ва 3 ноябрь кўни

ҳакамлар мусобақани бошлашди.

35 ёшли Равшан Эрматов 2003 йилдан бери халқаро миқёсдаги ўйинларни бошқариб келади ва у Осиёнинг тўрт қарра энг яхши ҳаками ҳисобланади. 33 ёшли ён қанот ҳаками Жаҳонгир Саидов эса 2010 йилдан бери халқаро майдонда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2012 йилги ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Аҳмаджон Музаев бошчилигидаги мамлакатимиз Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Бепул мева ва сабзавот

Чехиянинг Прага шаҳридаги мактабларда бошланғич синф ўқувчиларига бепул мева тарқатиш йўлга қўйилди.

Энди болакайлар тушлик вақтида истаганча мева ва сабзавот маҳсулотларидан истеъмоли қилиши мумкин. Мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган «Мактабларга сархил мева» лойиҳасига кўра, тўқсон икки фоиз бошланғич синф ўқувчиси бундай мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминланади.

Шифокорларнинг сўзларига кўра, олти ёшдан ўн ёшгача бўлган болалар мева ва сабзавотларни мунтазам истеъмоли қилиши зарур. Бу уларнинг ақлий фаолияти ривожланишига ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишига ёрдам беради.



Ўқинг, бу қизиқ

Гулдан гилам

Бельгия пойтахти Брюсселда гуллардан улкан гилам тўқилди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, Гран-Пляс майдонига тўшалган ушбу ранг-баранг ва бекаткор гиламнинг эни 24 метрни ташкил этган. Гиламни тўқиш учун турфа гуллардан фойдаланилган. Ушбу аjoyиб ва нобб гиламни кўриш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларидан сайёҳлар келиши кўпаймоқда.



ADOLAT

ижтимоий-сиёсий
газета

Муассиси: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРИТҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазонир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахрир хайъати: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 1100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 5861. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.30

1 2 3 5

НАШР

КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

9 772091 521009

Хонумонидан айрилган аёллар

Диққат, одамфурушлар!

2012 йилнинг 7 май кўни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг очик суд мажлисида 1963 йил Самарқанд вилоятида туғилган Нигора Усмонова ҳамда 1971 йил Наманган вилоятида туғилган Бузахро Қодиоровларнинг жиноий қилмишлари кўриб чиқилди.

Судланувчи **Нигора Усмонова** — уч нафар фарзанднинг онаси. У ўзи, оиласи тўроқ, фаровонроқ яшашини кўзлаб тўғри йўлдан адашган, ҳаловат илнжидида ҳаловатидан кечган, фақат ана шу фароғатни, ҳаловатни мазмунчилликини фосиқ одамлар орасидан қидирган аёл. Ўзининг судда берган кўргазмаларига кўра, самарқандлик танишларининг кўмаги билан 2009 йилнинг декабрь ойида Дубайга етиб олишнинг чорасини топган.

— Дастлаб, Дубайдаги ошхоналарнинг бирида идиш ювувчи, кейинчалик дазмолловчи бўлиб ишладим, — деди у. — 2011 йилнинг иккинчи ярмидан, Дубай шаҳрининг Наҳл марказидаги Холида исмли аёлга тегишли 32-уй, 101-хонадонда самарқандлик Лайло билан бирга яшаб, фохшилик қилдим. Холидага фақат уй учун ижара ҳақи тўлардим. Мижозларни ўзимиз топиб, пул ишлардим. Бир кўни у ана шу уйга яна икки аёлни бошлаб келди. Улар Малоҳат Ғойипова ҳамда Ҳалима Мажидова эди. Шу кундан тўрталамиз ишлай бошладик...

Хўш, Малоҳат билан Ҳалима Дубайга қандай бориб қолди-ю, Нигорага қандай йўлиқди?

Судда бу саволга судланувчи Бузахро Қодиорова берган кўргазма ойдинлик қилди:

— 2011 йилнинг май ойи охири эди, — деди судланувчи


Бузахро Қодиорова. — Соат ўн тўртлар чамасида "Қўйлик кийим бозори" олдидидаги шоҳ бекатда икки аёл билан танишиб қолдим. Ижарага турар-жой қидиришгаётган экан. Мен уларга ўзим вақтинча яшаб турган ҳовлининг манзилини ёзиб бердим. Шу кўни кечқурун ана шу манзил — Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, Ҳабибий кўчаси 13-уйга иккалови кириб боришди.

Тўнги суҳбатда аёллар ҳасрат қопининг оғзи очилиб кетди: бирови тўрт нафар бола билан эридан ажрашгани ҳақида обидийда қилди. Бошқа бирови топгани-топганига етмаётганидан ёзғирди. Бузахро қутилмаганда ўртага хўрак ташлади:

— Малайзияга бориш керак. У ердаги кўғирчоқ ишлаб чиқариладиган заводда иш бор: қадокловчилик. Ойига икки ярим-уч минг доллар топса бўлади. Ётоқ бепул, уч маҳал овқат ҳам...

Аёллар дарҳол рози бўлишди. Бузахро Малоҳат билан Холидани "Ғиштқўприк" чегара постидан Қозоғистон республикасида ўтказиб, у ердан Қирғизистон республикасининг Бишкек шаҳрига борадиган автобусга ўтказиб юборди.

Бишкекда аёлларни Равшан исмли бир одам қўтиб олди. У Малоҳат билан Холиданинг паспортини олди ва Дубайга учадиган самолётга чипта олиб келди.



— Сизлар Малайзияга эмас, — деди у, — Дубайга учасиз. Мен сенларни бу ердан кузатиб қўяман, у ёғи билан ишим йўқ. Менга шунинг учун пул тўлашди.

Дубай аэропортида Малоҳат билан Холидани Сайид исмли араб қўтиб олди. Сайид аёлларнинг паспортларини олди, ўзларини тўғри Наҳл марказ, 32-уй, 101-хонадондаги ишловатхонага бошлаб борди. Вазиятни тушунган аёллар йиғлашди, ёлворилди. Сайид эса: "Мен сенларни ўн минг долларга сотиб олдим, шунинг тўлаб қўйсаларинг, тўрт томонларин қўйла", дея жавоб қилди.

Алданган аёллар бўйин эгишди...

Ниҳоят, "тўнги капалаклар" ишловатхонанинг ўзида қўлга олинди.

Суд жараёнида бу аёллар: "Инсонийлигимизни топташди, хонумонимиздан айирилди", дея кўргазма беришди...

Суд Нигора Усмонова ва Бузахро Қодиоровани Ўзбекистон Республикаси Жиноят қодексининг 135-моддаси (Одам савдоси) 3-қисми "г" банди билан айбли топиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этди.

Саодат АБДУРАҲМОНОВ,
«Adolat» мухбири